Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 173 (6. 962) 1989 йил 29 июль, шанба Бақоси 3 тийин

Қудратимиз—дўстликда

Ҳурматим ошди

Фарғона воқеалари, яъни месхети турклари билан бўлиб ўтган воқеа нафақат ўзбек халқи, балки биз билан Ўзбекистонда яшовчи бошқа халқларнинг ҳам қалбини ларзага солди. Тўғри, авваламбор қатор миш-мишлар тарқалди. Лекин гапиришдан олдин мантиқан ўйлаб кўриш керак эди. Мана яқинда матбуот орқали Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўзбек халқига, республиканинг барча аҳолисига Мурожаатномаси билан танишиб, ўзбек халқига ҳурматим янада ошиб кетди. Негаки, месхети туркларининг, қолаверса, қрим татарлар, биз корейслар ва бошқа бир неча ўнлаб бошқа миллат ва элатларнинг мусибатларини баб-баравар баҳам кўрган ўзбеклар эмасми?! Мен шу ўринда юқорида зикр этилган Мурожаатномадаги фикрларни тўла қўллаб-қувватлайман.

О. ЦОЙ.

Тошкент область нефть маҳсулотлари таъминоти бошқармаси ишчиси.

Байналминал фазилат

Мана, матбуот, радио, телевидение орқали Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўзбек халқига, республиканинг барча аҳолисига Мурожаатномаси билан танишиб, оиламизда муҳокама қилдик. Мен ўзим қрим татарман. Ўзбекистонга келиб, уй-жойли бўлиб, оиламиз билан бахтли ҳаёт кечирямиз. Лекин яқинда бўлиб ўтган Фарғона воқеалари ҳаммамизнинг қалбимизни ларзага солди.

Ўзбек халқи — байналминал халқ! Байналминал фазилатлар унинг қон-қонига сингиб кетган улуғ мерос! Урушнинг оғир кунларида уйининг тўрини, қалбининг қўрини дўстларига тутган ҳам шу ўзбек эди!

Ифтихор билан айтиш мумкинки, жаҳон халқлари олдида бўлганидек, Ватан олдида ҳам ўзбек халқининг юзи ёруғ, кўнгли пок. Фарғона ҳодисалари ўзбек халқининг хоҳиш-иродаси билан содир бўлмади. Бу воқеаларга ким қандай бўёқ бермасин, лекин тарих ўз адолатли ҳукмини чиқаради.

А. ПАТЕР,

Собир Раҳимов районидаги Абдураҳмонов кўчаси 1-уйнинг 6-хонасида истиқомат қилувчи 80 ёшли пенсионер, меҳнат ветерани.

Бир оила фарзандлари

Тошкент қурилиш бирлашмасига қарашли 2-уйсозлик комбинатининг 4-қурилиш-монтаж бошқармасидаги Н. Саломахин ва Л. Кашенко бошчилик қилаётган бригадалари бир-бирлари билан узоқ йиллардан бери мусобақалашиб келишади.

— Бошқармамизда ҳаммаси бўлиб, 17 бригада мавжуд, — дейди бошқарма бошлиғи А. Саричев. — Бу бригадалар ҳар йил бошида бир-бирлари билан мусобақа бошлаб, унинг шароитларини келишиб олишади. Масалан, Н. Саломахин билан Л. Кашенколар аслида бир устанинг шогирдларидир. Иккаласига ҳам акаси Николай Кашенко касб сирларини ўргатган. Шуниси характерлики, бизда устоз-шогирдликда барча миллат вакиллари қатнашмоқда.

Бу яхши натижа бермоқда. Йил сайин коллективимиз комбинат бошқармалари орасида пешқадам ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Мусобақа натижалари ой сайин чиқарилиб, илғорлар рағбатлантириб борилади. Масалан, биргина Н. Саломахин бригадасини олайлик. Ҳозир коллектив «Алгоритм» массивида 9 қаватли 154 квартирали турар жой биносида монтаж ишларини олиб бормоқда.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўзбек халқига, республиканинг барча аҳолисига Мурожаатномасини ўқиб, — деди у сўзида давом этиб, — миллатлараро биродарликнинг кучи қанчалик зўрлигини, бу коллективимиз қон-қонига сингиб кетганини яна бир бор ҳис этдим ва шундай хулосага келдимки, биз бу буюк меросни бундан буён ҳам кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз керак!

Д. ОБЛАЕВ.



«Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмасида сурат тайёрлаш маркази ишга тушиши билан корхона ишчиларининг меҳнат самарадорлиги бирмунча ошди. Янги участка кўпчиликнинг оғирини енгил қилди.

СУРАТДА: монтажчи В. Шингерова ва «Ёш гвардия» нашриёти бош технологи В. Рустамов саҳифаларни кўздан кечиришяпти.

Р. Шарипов суратн.

КПСС Устави: *у қандай бўлиши керак?*

Ўзгаришлар аксини топсин

Газетамизнинг шу йил 24 июль сонида Акмал Икромов район партия комитети ташкилий бўлимининг мудири Ш. Шорахмедовнинг «КПСС Устави: у қандай бўлиши керак?» мақоласи мунозара тариқасида эълон қилинган эди.

Мухбиримиз партия ташкилотлари секретарларидан бу мақолада кўтарилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини, КПСС Уставига ўзгартишлар киритиш юзасидан таклифларини билдиришларини сўради. Қуйида уларнинг жавоблари эълон қилинмоқда.

У. СУЛТОНОВА,
Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари:

— КПСС Уставида партия XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясидан кейин жамиятимизда рўй берган жиддий ўзгаришлар, янгича тафаккур ўз аксини топиши лозим деб ҳисоблайман. Ҳозир амалдаги Уставнинг кириш қисмида «Социализм тўла-тўкис ва узил-кесил ғалаба қозонди... Мамлакат ривожланган социализм босқичига қадам қўйди» дейилади. Бу таъриф жиддий таҳрирни талаб этади.

Устав 1-параграфининг 2-банди «в» қисмида «мамлакатнинг сиёсий ҳаётида, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда...» сўзларидан сўнг **«жамиятни демократиялаштиришда»** деб қўшиб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчи бандга «Партияга 18 ёшга етган...» сўзларидан сўнг эса **«партия резерви мактабини ўтаган»** деб қўшиб қўйиш лозим, деб ҳисоблайман.

9-бандга **«Коммунистларнинг шахсий ишлари очиқ партия йиғилишларида кўриб чиқиладн»** деган жумла қўшилиши керак.

10-банд биринчи жумласини **«Коммунистни партиядан чиқариш масаласи бошланғич партия ташкилотининг очиқ йиғилишида, партиясизларга ўз фикрларини билдириш ҳуқуқи берилган ҳолда ҳал қилинади»** деган таҳririда бериш лозим.

КПСС Устави 2-параграфининг 14-бандига **«Партияга кирувчилар резервга киритиладилар ва партия резерви мактабида тайёргарликдан ўтадилар, партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинганлар сўнг эса кандидатлик стажини ўтайдилар»** деб қўшиб қўйиш керак.

16-бандни **«Кандидатлик стажи ўтиши билан бошланғич партия ташкилоти кандидатни партия аъзолигига қабул қилиш масаласини очиқ партия йиғилишида қараб чиқади ва ҳал қилади»** деган таҳririда бериш мақсадга мувофиқдир.

Устав 5-параграфи 42-банди «а» моддасида «социалистик мажбуриятларни бажаришга...» сўзларидан сўнг **«коммунистик қурилиш, хўжаликни бошқаришнинг барча форма ва методларини такомиллаштиришга»** сўзларини қўшиб қўйиш лозим.

10-параграф 71-моддасида **пенсионерлардан олинадиган аъзолик бадаллари энг кам миқдорда белгиланиши, айни пайтда ҳозир ишлаётган пенсионерлардан олинадиган аъзолик бадаллари қайта кўриб** чиқилиши лозимлиги ўз аксини топиши керак.

З. ЮСУПОВ,
«Компрессор» заводи партия ташкилотининг секретари:

— Устав 1-параграфи 2-бандини ихчамроқ таҳрда бериш лозим. Бунда коммунистик ахлоқ нормалари ҳам ўз ифодасини топиши керак.

4-банд «б» моддасидан «Партияга қабул қилиш масаласи рекомендация берувчиларнинг иштирокисиз, муҳокама қилиниши мумкин» деган жумлани олиб ташлаш лозим. Партияга қабул қилиш масаласи муҳокама қилинаётганда рекомендация берувчилар қатнашишлари шарт.

КПСС Устави 2-параграфи 16-бандида иккинчи жумлани қуйидаги таҳрирда бериш маъқул: **«Агар кандидатлик стажини ўташ вақтида кандидат ўзини кўрсатмаган бўлса у КПСС аъзолигига кандидатликдан чиққан ҳисобланади».**

6-параграфнинг 55-бандида **«Маош олиб ишлайдиган партия ходимлари лавозими белгиланган бошланғич партия ташкилотлари секретарлари учун партия стажи камида 3—4 йил бўлиши керак»,** деб белгилаб қўйилиши лозим.

7-параграф 62-бандда «Район партия комитети...» сўзларидан сўнг **«Партия бюроси, партия комитети, бошланғич партия ташкилоти»** сўзларини қўшиб қўйиш лозим деб ҳисоблайман.

10-параграф 71-бандда эса «Коммунист пенсионерлар аъзолик бадаллари тўлашдан озод этиладилар» деган модда бўлиши керак.

Куюнчаклик билан ёзилган

ЧИРОҚ ҚАЧОН ЁНАДИ?

Табиий офат — фавқулодда ҳодиса. Табиий офатнинг қачон, қандай вазиятда бўлишини, қанча ва қанақа зарар келтиришини ҳеч ким олдиндан айтиб беролмайди. Ўтган шанба куни кечқурун тўсатдан бўлиб ўтган кучли шамол кўпчилик ҳамшаҳарларимизни саросимага солиб қўйди. Ундан асосан электр тармоқлари кўп зарар кўрди — ҳар ер-ҳар ерда унинг симлари узилиб тушди. Шамол тўхташи билан Куйбишев район электр ремонти цехнинг 67-58-15, 67-58-24 телефон номерларига тушиш оғирлашди — узлуксиз банд бўлаверди. Электр сими узилгани тўғрисида — район ижроия комитети раисининг қабул хонасига ҳам буюртмалар келиб туша бошлади. Якшанба дам олиш куни бўлишига қарамай, цехнинг бригадаси оёққа турди. Душанба куни саҳарданоқ цехга арз қилиб келганларнинг сони кўпайиб кетди.

— Одамлар нега икки кундан бери электр бермаяпсан, деб дўқ қилиб ҳам келишди, — дейди навбатчи диспетчер К. Фазин. — Бригадалар қўл қовуштириб ўтирмаяпти. Ҳаммаси ишлаяпти. Кеча асосан узилиб кўчага тушиб қолган электр симларини қирқиш, хавфсизликни таъминлаш билан шуғулландик. Имкониятимизга яраша ишлаяпмиз.

Цехда олтита бригада бор. Шанбадан якшанбагача 280 та, душанба куни 260 та буюртма берилганлиги қайд қилинди.

— Бу буюртмаларнинг кўпи қайта берилган. У ҳаммаси бўлиб тахминан 300 тани ташкил этади, — дейди цех бошлиғи Н. Панов. — Электр устунига барча усталаримиз ҳам тармашиб чиқавермайди. Бизда айни дақиқаларда кўтарма кранга ўхшаш механизмлар ҳаво билан сувдек зарур. Буларсиз ишимиз ҳеч олга силжимайди. Бу борада бизга район ижроия комитети ёрдам бериши лозим эди, афсуски ундай бўлмади.

— Бундай аҳвол фақат Куйбишев районида эмас, балки бошқа районларда ҳам «ҳукмрон»лик қилди,— дейди Тошкент кабель электр тармоқлари директорининг ўринбосари Қ. Халилов. — Районлардаги цехларимиз бетўхтов ишлаяпти. Бу аҳволда бир ҳафтада ҳам ремонт ишларини тугаллай олмаймиз.

— «Олма пиш, оғзимга туш» деб ўтириш ҳам тўғри эмас. Ишни юриштириш учун нима қилиш керак?

— Менинг билишимча шаҳарда 20 тадан ортиқ кўтарма кран-механизмлар бор. Бу механизмлар турли ташкилотларга қарайди, уларни чақиртириб районларга ёрдам учун бўлиб бериш лозим. Бугун шаҳар ёритиш идораси учта, «Узбекэнерго» бирлашмаси бешта машина берди.

— Бугун шаҳардаги бошқармамиз иккита, бирлашмамиз битта машина билан ёрдам қилди. Бирлашмадан келган машина соат бешгача ишлаб кетиб қолди. Қурилиш трестидан келган бу машина «цехгача зўрга етиб келдим», деб кўриниш бердию, қочиб қолди. Бунақада ишлаб бўладими? — дейди куюниб цех бошлиғи Николай Тарасович.

Телефонлар эса ҳамон бетиним жиринглайди, диспетчернинг хонасидан одам аримайди. Цех бригадалари ишлаяпти, иш эса силжимаяпти. Нега? Бизда «ҳашар» деган яхши удум бор. Ҳашарда бошига кулфат тушган кишига ёки каттароқ иш бошлаган кишига кўпчилик бўлиб ёрдам берилади. Бугун эса бу ёрдам сезилмаяпти, бу эса шаҳар аҳолисининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Чироқсиз ўтириш, яшаш мумкин. Лекин ҳозир кунлар иссиқ, ёз бўлгани учун маҳсулотларнинг тез айниши бор, уларни сақлашга имкон йўқлиги кишини ташвишга солади. 300 та буюртманинг ортида қанчадан-қанча гўдаклар, қариялар борлигини, уларнинг қоронғуликда қийналаётганликларини кўз олдингизга келтиринг а! Чироғимиз қачон ёнади, деб ташвишланиб ўтирган ҳамшаҳарларимизда нима айб?

А. ГУЛОМОВ.

Республикамиз ва пойтахтимиз меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўзбек халқига, республиканинг барча аҳолисига Мурожаатномасини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Бундан редакция почтаси яқол далолат бериб турибди. Редакцияга йўлланган мактублардан бир маънони ўқиш мумкин: СССР халқлари дўстлигини мустаҳкамлаш, туб ислоҳотлар, демократиялаш, ошкоралик жараёнининг янада ривожланиши учун курашаётган барча кучларнинг бир ёқадан бош чиқариб бирлашиши муҳим аҳамият касб этади. Негаки, Мурожаатда таъкидланганидек, «Миллатлараро биродарлик инқилобий курашларда, Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида қон билан мустаҳкамланган». Дарҳақиқат, ҳеч қандай куч унга раҳна сололмайди.

Редакция шу мазмунда хат йўллаган ёзёвонлик М. Тешабоев, тошкентлик Назарова, студент И. Дусанов, М. Ражабова, Д. Анбарова, Ҳ. Раҳимова, наманганлик Э. Раҳматов, Ҳ. Абдуллаев ҳамда А. Турғуновларга миннатдорчилик билдиради.

Тонгги газеталарда

⊙ **СССР Олий Совети биринчи сессиясининг 26 ва 27 июль кунлари Кремлда ўз ишини олиб борган мажлислари тўғрисидаги ҳисоботлар ёритилган. СССР Олий Советининг биринчи сессияси 31 июлда ўз ишини давом эттиради.**

⊙ **27 июль куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачевнинг қаттиқ қурғоқчиликка дучор бўлган Россия Федерациясининг бир қатор областлари ва автоном республикалари раҳбарлари билан учрашуви тўғрисидаги ҳисобот эълон қилинган.**

⊙ **СССР Давлат статистика комитетининг СССРни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг 1989 йил биринчи ярим йиллиги якунлари тўғрисидаги ахбороти босилган.**

Ракеталарни йўқ қилиб ташлаш тугалланди

1989 йил 26 июлда Совет томони ўртача ва камроқ олислик ракеталарига доир шартномаларда кўзда тутилган кам олислик ОТР-22 категориясидаги ракеталарни йўқ қилиб ташлашни тугаллади. Шартномага мувофиқ бундай ракеталарни йўқ қилиб ташлаш 1989 йил ноябрь ойининг охирига қадар тугалланиши лозим эди. Бу шартнома амал қила бошлаганидан буён бутунлай тугатилган совет ракеталарининг иккинчи категориясидир. Биринчиси — ерда жойлаштирилган ўртача олислик қанотли ракеталари СССРда ўтган йилнинг кузида йўқ қилиб ташланган эди. (ТАСС).

Ярмаркага китоблар юборилади

Тошкентдаги «Фан» нашриёти шу йил сентябрь ойида Москвада ўтказиладиган Халқаро китоб ярмаркасида ўзининг чет эллик шерикларини кўпайтириш ниятидадир. Илмий адабиёт чоп этишга нхтисослашаётган нашриёт ана шу воқеа муносабати билан 33 та янги китобни босмадан чиқарди. Бу китоблар математика, физика, астрономия, шаҳарсозлик ва архитектуранинг турли муаммоларига бағишланган.

Ана шу китобларнинг баъзилари китоб ярмаркаси очилмай туриб чет эллик ноширларни қизиқтириб қолди. Масалан, ГФРдаги «Шпрингер Ферлаг» нашриёти «Фан» нашриёти билан «Математика нима?» китобини нашр этиш тўғрисида шартнома тузди. Японияннинг «Кабунся» нашриёти «Ўзбек либослари» китобини босмадан чиқаради. Бу китобни «Фан» нашриёти слайдлари билан биргаликда нашрга тайёрлади. Нидерландиянинг «Физикс Рипортс» нашриёти «Ўрта Осиёнинг сейсмодинамикаси» китоби билан қизиқди. «Фан» нашриёти тайёр нашрлардан ташқари китоб ярмаркасига бўлажак китобларнинг иккита макетини олиб боради. Булар «Ўзбекистоннинг ботаника боғи» ва «Миниатюраларда шеърият»китобларидир.

Ҳозирги вақтда АҚШ, ГФР, Япония, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларнинг 11 та нашриёти «Фан» нашриётининг китоб ва журналларини босмадан чиқармоқда.

(ЎзТАГ).

Юз ёруғ

⊙ **«ГОРДОРСТРОИРЕМОНТ» трестининг асфальт-бетон заводи** коллективи етти ойлик планни муддатидан олдин бажарди. Корхона ишчилари планга қўшимча 310 минг сўмлик маҳсулот тайёрлади.

Мижозлар мамнун

⊙ **ЎЗБЕКИСТОН рангли металларни қайта ишлаш республика ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз маҳсулотини мамлакатимиздаги ва чет эллардаги ўнлаб буюртмачиларга юборди.** Қардош корхоналарнинг коллективлари металл қуймаларни ўз вақтида олаётганликлари учун тошкентлик металлургларга қизғин миннатдорчилик билдирмоқдалар.

Мижозлар мамнун бўлганича ҳам бор. Бирлашманинг алюминий қуймалари заводи коллективи шу кунларда ҳар вақтдагидан жадал суръат билан меҳнат қилмоқда. Коллектив алюминий қуймалар тайёрлаш бўйича етти ойлик топшириқни муддатидан олдин 101,3 фоиз адо этди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, хом ашё ва материаллар, электр қувватини тежаш соҳасида ҳам дурустгина ютуқларни қўлга киритди.

Фойдаланишга тахт

⊙ **СЕРГЕЛИ—1 массивидаги 6-ўрта мактаб яна 27 синфга кенгайди.** Шунинг дек, бу ерда спорт зали ва ошхона қуриб фойдаланишга топширилди.

Бунёдкорлик ишларини Тошкент қурилиш бирлашмасига қарашли 159-трестнинг 70-қурилиш бошқармаси коллективи олиб борди.

Қардошлар буюртмаси

⊙ **КЎП ТАРМОҚЛИ машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган кооперативлар сони ортиб бормоқда. Бундай меҳнат коллективларидан дастлабкиси Украина ССР пойтахти Киев шаҳрида ташкил топган эди.**

Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида яқинда тузилган кўп тармоқли кооператив «Машинасозоб» деб номланди. Хўжалик юритишнинг янги кўриниши тариқасида ташкил этилган бу кооператив турли агрегатлар, асбоб-ускуналар тайёрлаш билан шуғулланмоқда. Бу хил маҳсулотлар корхона эҳтиёжи учун ишлатилади.

Айни бир вақтда турдош корхоналар буюртмалари асосида ҳам бу хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Масалан, Донецкдаги аниқ машинасозлик заводидан буюртмалар олинди. «Машинасозоб» турдош корхона коллективи илтимосини бажонидил қабул қилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Дўстлик туйғуси

⊙ **СТУДЕНТ ёшларни ватанпарварлик ва байналминал рухда тарбиялаш йўлида Тошкент темир йўл транспорти инженерлик институтида ҳам ибратли ишлар олиб борилмоқда.** Олий ўқув юрти ҳузурида ишлаб турган жамоат касблари факультетининг бу борада кўраётган тадбирлари ҳам диққатга сазовордир.

Факультетда миллатлараро муносабатлар тарихини ўрганиш юзасидан ҳам машғулотлар уюштириш кўзда тутилди. Айни бир вақтда серқуёш республикамизда байналминал тарбия ишларига доир алоҳида лекциялар ўқилади.

Ўзбекистон территориясида яшаб келаётган халқлар тарихини ўрганиш тадбирлари ҳам кўрилди. Бунинг учун факультатив сифатида янги курсни жорий этиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Олиб бориладиган машғулотларда Ўрта Осиё республикаларида қарор топган дўстлик алоқаларига ҳам алоҳида аҳамият берилади.

Иттифоқда ягона

⊙ **ЯҚИНДА Тошкент Давлат университети география факультети қошида иттифоқимизда ягона социал география ва аҳолишунослик кафедраси ўз фаолиятини бошлади.** Кафедрага география фанлари кандидати, доцент Озод Отамирзаев раҳбарлик қилмоқда. Кафедранинг очилишига аввало республикамизнинг демографик шароити кўп хусусиятларга эгалиги, Ўзбекистон ССРда тўғилиш Бутуниттифоқ миқёсда тубдан ажралиб туриши, аҳолининг тез ўсиш суръати каби масалалар сабаб бўлди.

Янги соҳа эгалари ана шу масалаларни ҳал этишда йирик олимларга кўмаклашишади.

Д. ЗОКИРОВА.

Манзил яқин бўлди

⊙ **ШУ КУНЛАРДА шаҳар кўчаларида 32-маршрутли автобуслар қатнамоқда.** 4-автопаркка қарашли бу машиналар эски шаҳар билан «Жанубий» вокзални боғлаяпти. Маълумки, илгари эски шаҳардан «Самарқанд» автостанциясига фақат трамвайда бориш ёки бир неча ерда тўхтаб, транспортга тушиб бориш мумкин эди.

Шаҳарликлар талабини қондирган автокорхона маъмурияти бу маршрутга 8 та «ЛиАЗ» маркали автобуслар қўйди. Охирги бекати Калинин майдони қилиб белгиланган машиналар Халқлар дўстлиги проспекти, Бешёғоч даҳаси, Б. Хмельницкий ва Ш. Руставели кўчалари бўйлаб ҳаракат қилади.

С. ШАМСИДДИНОВ.

Аҳолига қулайлик

⊙ **«КОМПРЕССОР» заводи қошида янги магазин фаолият кўрсата бошлади.** Бу савдо дўконида корхона ишчилари халқ истеъмоли буюмлари, мебель жиҳозлари, ҳар хил катталикдаги кўзгулар ва хўжалик ишлари учун қатор-асбоб ускуналар харид қилишлари мумкин.

Шунингдек, харидорлар бу ерда истаган нарсага буюртма беришлари ҳам мумкин.

Табиатга ғамхўрлик

⊙ **ТОШКЕНТ шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети қошида жамоатчилик кенгаши тузилди.** Бу — табиат муаммоларини коллектив бўлиб ҳал этиш, демократияни таъминлашдаги дадил қадамдир. Ўзнга турли мутахассислар, олимлар, ижодкорларни бирлаштирган кенгашга геология-минералогия фанлари доктори, профессор С. Ш. Мирзаев раис қилиб сайланди.

С. ШОДИЕВ.

Суратли китоблар

⊙ **ЎЗБЕК ва рус тилларини ўзаро чоғиштириб ўрганиш орқали болаларда ёзма ҳамда оғзаки нутқ маданияти ўстириб борилади. Шуни назарда тутиб, «Ўқитувчи» нашриёти ўзига хос кўринишдаги қатор китобларни чоп этишга киришди.**

Икки тилдаги текстларни ўз ичига олган бундай нашрлар муқова остида умумий безак билан чиқарилади. «Уч айиқ» эртаги шу хилдаги янги тўпламлардан дастлабкисидир.

Нашриёт сурат-китоб шаклида ҳам бир неча тўпламни кичик ёшдаги ўқувчиларга тақдим этади. «Қизил шапкача» ҳамда «Курочка ряба» сурат-китоби ҳам болаларга яхши совға бўлади.

С. ОДИЛОВА.

Саҳна санъати тадқиқи

⊙ **ИСТЕЪДОДЛИ постановкачи-режиссёр А. Слоним республикамизда театр санъатини ривожлантириш ишига муносиб ижодий ҳиссасини қўшиб келмоқда. Унинг жўшқин фаолияти туфайли ўқув опера спектакллари ҳам саҳна юзини кўрмоқда.**

Режиссёрнинг самарали изланишлари туфайли М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси опера студиясининг ўқув театрида ўйналган қатор асарлар муваффақият қозонди. Санъаткор ана шу кўп йиллик ижодий тажрибаси асосида саҳна асарини тайёрлаш маҳоратига доир методик қўлланмалар устида иш олиб бормоқда. «Вокал-саҳна ҳаракати принциплари» деб номланган янги дарсликни ёзишда ҳам унинг постановкачи-режиссёрлик санъати қўл келди.

Мазкур дарсликда консерватория опера студиясида орттирилган тажрибаларни ёритишга ҳам катта аҳамият берилади.

Тошкент кўн-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг чевар қизлари ранг-баранг, сифатли маҳсулотлари билан элга таниллаклар. 4-тикув цехида бирлашманинг кўзга кўринган коллективи меҳнат қилади. Мазкур цех ишчилари ишлаб чиқариш топшириқларини ортиғи билан адо этиш билан бирга корхона жамоатчилик ҳаётида ҳам фаол иштирок этадилар.

СУРАТДА: корхонанинг моҳир бригадири Гулнора Обидова ва тикувчи-моториста Раъно Турсунхўжаевалар.

Р. Шарипов суратлари.

Ибратли ҳикоятлар

ЛЕОНАРДО ДА ВИНЧИ

Парвона ва аланга

ОҚШОМ қўнганида, салқинда ҳузурланиб қанот қоқаётган парвона бирдан олисда милтиллаётган чироқни кўриб қолди. У ўша заҳоти нур порлаётган жойга қараб йўл олди.

Етиб боргач деразада ёниб турган шамга ҳайрат билан нигоҳ ташлаб, атрофида ўйнаб уча бошлади. Обдон кузатиб бўлган парвона, порлоқ олов билан танишишга, у билан ўйнашга аҳд қилди. Худди боғдаги гуллар билан шўхлик қилгани каби, уларнинг гулхоналарида арғимчоқ учгани каби бир четга учиб борди, шарт орқасига қайрилиб, аланганинг сариқ белларига тегиб кетгудек бўлиб, уни учишга таклиф қилиб ўтиб кетди.

Лекин бирдан унинг жонига оғриқ кирди ва жонҳолатда тепага отилди. Шамнинг ёнига оҳиста қўниб қараса у қанотининг бир четини, бир панжасини куйдириб олибди.

— Қандай қилиб юз берди бу ҳол? — ҳеч нарсага тушунмай ўз-ўзига деди парвона. У шундай беозор, ажойиб олов унга ёмонлик раво кўриши мумкинлигига ақли етмасди.

Ўзига бироз келиб олгач, парвона яна қанотларини ёйди ва учиб кетди. Шам узра бир неча бор айлангач, у хотиржамгина яна аланга яқин келди, у билан ҳазиллашмоқчи бўлди. Лекин ўша заҳоти шамдонга, ёғга қулаб тушди.

— Қанчалар бераҳмсан! — илтижо қилди парвона борган сари кучдан қолаётиб. — Сен билан дўст бўламан деб ўйловдим, лекин ўлим топдим. Сенинг хавфли ва раҳмсиз эканингни кеч англаб етдим. Сен билан ҳазиллашишдек тентакларча хаёлим менга қимматга тушди.

— Бечора парвона! — деди шам унга. — Сен ўйлаганингдек, ой нурида товланиб турган гул эмаслигим менинг айбим эмас. Менинг ишим — инсонлар учун ёруғлик бериш. Кимда-ким ўт билан ўйнашар экан, куйиб кул бўлади.

Чумоли ва буғдой

ЎРИМДАН кейин далада қолиб кетган буғдой дони ёмғирни сабрсизлик билан кутарди. Яқинлашиб келаётган совуқ кунларда у ерга чуқурроқ кириб олишни ўйларди.

Пилдираб ўтиб кетаётган чумоли уни кўриб қолди. Топилдиқдан хурсанд бўлиб, ўйлаб ўтирмасдан оғир ўлжани елкасига ортмоқлаб, инига йўл олди.

Кун ботмасдан уясига етиб олмоқ учун чумоли дам олмасдан ўрмаларди. Буғдой дони эса уни елкасини эзгандан эзарди.

— Қаёққа олиб кетяпсан мени? Шу ерга ташлаб кет! — ялинди буғдой дони.

— Агар сени ташлаб кетсам, — чуқур нафас олиб жавоб берди чумоли, — биз қишга хўраксиз қоламиз. Биз кўпмиз, шунинг учун ҳар бир чумоли уядаги егуликни кўпроқ ғамлаши керак.

Шунда буғдой дони ўйлаб туриб деди:

— Сендек асл меҳнаткашнинг ташвишларини сезиб турибман. Сен ҳам менинг аҳволимга тушун. Гапларимга яхшилаб қулоқ сол, ақлли чумоли!

Бирпасгина бўлса ҳам дам олиш ниятида елкасидаги оғир юкни ерга қўйиб, чумоли дам олишга чўкди.

— Билиб ол, — деди буғдой дони, — менда қудратли ҳаётбахш куч бор, менинг вазифам — янги ҳаётни яратиш. Кел, икковимиз ажойиб бир шартнома тузамиз.

— Қанақа шартнома?

— Мана бундай, — тушунтирди дон. — Агар мени уянгга ташмалаб кетмай, қадрдон даламда қолдирсанг, бир йил ўтгандан сўнг юзта донга эга бўласан.

Ҳайратга тушган чумоли ишонқирамай бош чайқади.

— Менга ишонавер, қадрдон чумоли, мен ҳақиқатни айтяпман. Агар сен айтганимга кириб, йўриғимга юрсанг, кейин сенинг тоқатингни юз баробар ортиғи билан мукофотлайман, уянг ҳам емишга тўлиб-тошади.

Чумоли энсасини қашлаб ўйга толди. «Бир донага юз дона буғдой. Бунақанги мўъжизалар эртакда бўладику».

— Қандай қилиб уддасидан чиқасан? — сўради ҳамон ишонмаётган чумоли қизиқиши кучайиб.

— Менга ишонавер! — деди дон. — Бу ҳаётнинг улуғ сири. Энди бўлса чуқурча қавлаб кўм, ёзда худди шу ерга қайтиб кел.

Келишилган муддатда чумоли далага келди. Буғдой дони ҳам ўз ваъдасини бажарди.

Оққуш

ОҚҚУШ узун, чиройли бўйнини эгиб, шаффоф сув кўзгусидаги аксига узоқ тикилди. У ўзининг ҳорғинлигини, бутун вужудини қишки совуқ сингари сим-сим қақшаётган титроқнинг сабабини ниҳоят англади.

У умрининг сўнгги соати яқинлашгани, ҳаёт билан видолашув онлари етиб келганини ҳар қачонгидан аниқ-равшан ҳис қилди. Унинг қанотлари олис ёшлигидаги каби оқ ва беқиёс кўркам эди. Чунки мўъжизавий покизалигини ҳаётнинг бутун қийинчилиги ва синовлари, жазирама ва қаҳратонларидан олиб ўтолган эди.

Ҳозир у сўнгги кунини тинчгина, ўз номига, шаънига муносиб якунлашга тайёр эди.

Гўзал бўйнини эккانича у оҳиста ва улуғвор ҳолатда кекса мажнунтол томон сузиб кетди. Унинг соясида ёз жазирамаларини осойишта ўтказган эди.

Оқшом чўкди, шафақ шаффоф кўл сувларини нафис пушти рангга бўяди.

Чор атрофга ҳоким бўлган оқшом сукунат қаъридан оққуш қўшиғи эшитилди. Оққуш ҳеч қачон бунчалар ҳазин, бунчалар юракдан, бунчалар ҳасрат билан куйламаганди. У сўз билан ифодалаш қийин бўлган ҳарорат билан табиатни, осмон, сув, ерга бўлган муҳаббатини куйларди.

— Оққуш куйлаяпти, — видо қўшиғидан ҳайратга тушган балиқлар, қушлар ва дала, ўтлоқ, ўрмонлардаги бошқа жонзотлар, — бу ўлаётган оққуш қўшиғи.

Нафис, мунгли қўшиқ садолари теваракка таралди. У қуёшнинг сўнгги нурлари билан бирга сўнди.

Ирмоқ

БИР шарқироқ ирмоқ «Ўзимнинг бунчалар ўйноқи, серсувлигимга ёмғирдан миннатдор бўлишим керак» деб ўйларди. Ёғиб ўтган кучли жаладан кейин, у жуда ҳаддидан ошиб кетди ва камтарликни унутиб, улуғ дарё бўлгиси келди.

Ўзанини кенгайтиришни ўйлаган ирмоқ, қирғоқларга қутуриб ҳамла қила бошлади. Тупроқлар ювилар, тошлар аста-секин қуларди.

Лекин шамол булутларни қувиб юборгандан кейин, қуёш жилмайиб кўринди. Ирмоқ оқибатини ўйламай ўзи бунёдга келтирган каттакон кўлнинг асирига айланди. Лойқа босган ўтлоққа айланмаслик ва қуёш нурида қуриб қолмаслик учун, ирмоқ тошлар орасидан йўл излаб озмунча тер тўкмади. У ниҳоят водийга етиб келди ва ўз сувларини қонуний хўжасига — дарёга топширди.

Темур УБАЙДУЛЛАЕВ таржималари.

Ажойиб тақдирли кишилар

«ЎН УЧ ҚАЛДИРҒОЧ»НИНГ БИРИ

Бу табаррук инсон билан тасодифан таништим. Учрашганимдан беҳад мамнун бўлдим.

Бултур ёз фасли Дўрмон боғида дам олардик. Бир кеч, одатдагидек анҳор бўйида ўтириб суҳбатлашардик. Гап Ўзбекистон нашриёти тарихи, таржималар хусусига бориб тақалганда, ўша йиллар гувоҳларини суриштириб қолдим.

— Мана, ўша авлоднинг бир вакили, — деди шоир Азиз Абдураззоқ ёнимизда ўтирган, қўлтиқтаёқлик кишига ишора қилиб.

Бу Раҳмат ака Азизхўжаев деган кекса ёзувчи, собиқ ношир экан. У кулимсираб, изоҳ бера бошлади:

— Тўғри-ку, яхшиси мендан ҳам кўп стажли бир кишини айтаман, ҳаммасини билади. Эшитгандирсиз, у машҳур «Ўн уч қалдирғоч»ларнинг бири бўлади.

Эртаси куни шаҳарнинг иккинчи тарафига йўл олиб, «Тинчлик» кўчасини ҳам, қидирган уйни ҳам топдим. Кўришдик. Малик ака ўрта бўйли, ҳаракатчан, хушмуомала, саксондан ошса ҳам анча тетик эканлар. Шинам ҳовлининг олди гулзор, салқин айвонига ўтдик. Ҳол-аҳвол сўрашгач, мақсадга кўчдим.

— Аввал таом, кейин калом, деганлар, — таъкидлади мезбон, — шунча жойдан иссиқда кепсиз, бир-икки пиёла чой ичиб, нафас ростланг, ҳангома бўлса, қочиб кетмас.

Сўнг ошхона томон ўтиб, чой олиб чиқдилар. Шарқнинг азалий одамийлик одати-да, дастурхон ҳилма-хил мева, ширинлик, кулча-ю сомсалар билан тўлган эди.

— Меҳмон уй эгасига итоат этиши керак, — дедим кулимсираб, — начора, итоат фарз.

У ёқ, бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Кейин домланинг ноширлик, таржима борасидаги хизматлари юзасидан сўз кетди.

... Малик Раҳмон йигирманчи йиллар бошида Қўқонда билимдон, маърифатпарвар, республикамиз Фанлар академиясининг биринчи президенти бўлган Қори Ниёзийдан таълим олган ўн уч талабанинг бири экан. У ёзувчи, муҳаррир Шариф Ризо, фан арбоби Раҳим Отажонов, гидроинженер Аширматов, академик Теша Зоҳидов, тилчи Улуғ Турсунов, химия фанлари доктори Йўлчи Тошпўлатов, партия ходими Шамсиддинов, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Зайнаб Мирсалимовалар билан бирга ўқиган.

Малик ака адабиёт соҳасини танлаган. Ўттизинчи йиллар бошида Ўзбекистон Давлат нашриётига ишга таклиф қилинади. Муҳаррирлик, таржимонлик билан шуғулланади. Кейин сиёсий, классик асарларни ҳам ўзбек тилига ўгиришга жалб этилади.

— 1933 йили эди, — деб эслайди Малик ака, — бир гуруҳ таржимонлар зиммасига Маркс, Энгельс, Ленин асарларини таржима қилиш вазифаси топширилди. Марказқўм маданият-маориф бўлими бошчилигида Отажон Ҳошим, Минглибоев, Имадиев, Мусин, Мўмин Усмонов, Саидғани Валиев, Ҳомил Ёқубов, Аъзам Аюбов, Собир Иброҳимов ва мен, жами 13 киши «Ленинизм масалалари», «Капитал», «Табиат ва диалектика» асарларини таржима қилиш билан машғул бўлганмиз. Иш жойимиз Тошкент яқинидаги «Сиёсий маориф боғи»да эди. Группа фаолиятини Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Акмал Икромовнинг ўзлари кузатиб турди. У киши таржимани ҳам, таҳрирни ҳам яхши биларди. Ҳар ҳафтада тайёр бўлган ишларни кўздан кечириб, камчиликларини топиб, тузатардик.

«Ленинизм масалалари»ни Мўмин Усмонов бошчилигида коллектив бўлиб таржима қилганмиз. «Табиат ва диалектика» асарини файласуф Мусин ўзбек тилига ағдарганди. Акмал ака кўпроқ «Ленинизм масалалари»ни кўрарди. Неча бор «Бу ери яхши чиқмабди, бундай таржима қилиниши лозим, қайта ишланглар», деб кўрсатар эдилар.

Малик Раҳмон ноширлик ишларига ҳам кўп меҳнати сингган ходимлардан. Ўзбекистон Давлат нашриётининг бош редактори, машҳур таржимон Рустам Абдураҳмонов билан сакқиз йил бирга бўлиб, таҳрир ва таржимонликни яна ҳам пухта эгалладик. Энди бадиий асарларга ҳам муҳаррирлик қила бошлади. 1946 йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридан партия тарихи институтига таклиф этилиб, Шариф Толипов, Наби Алимуҳаммедов, Файзулла Эргозиев, Байбўлатов каби тажрибали таржимонлар билан бирга ишлайди. Ўшанда Малик Раҳмон институт директори тавсияси билан «Коммунистик Манифест»ни қайтадан ўзбекчага ағдаради. Бу ишга таржима сектори мудири, талабчан Рустам Абдураҳмоновнинг ижобий баҳо бериши унинг қанчалик муваффақиятли чиққанидан далолат беради. Асар Марказқўм пропаганда бўлимида муҳокама қилиниб, маъқулланиб, бўлим мудири Зиё Аминов редакторлигида нашр этилган.

Ўзбекистон Давлат нашриётининг иш доираси кенгайиб, бадиий асарлар кўпайганидан тажрибали редакторларга эҳтиёж ошади. Шу боис 1948 йили Малик Раҳмонни яна нашриётга ишга тайинлашиб, оригинал асарлар бўлими мудири вазифасини топширишади.

— Ўшанда биринчи бўлиб, марҳум Парда Турсуннинг «Ўқитувчи» романини таҳрир қилганман, — дейди Малик ака, — роман ижобий баҳо олди. Кейинчалик уйғур, озарбайжон, туркман ва рус тилларига таржима қилиниб, чоп этилган. Бу вақтлар нашриёт директори ёзувчи И. Шамшаров, бош редактор Л. Муродов эди...

Бутун умри ва меҳнат фаолиятини нашриёт, таржима соҳасига бағишлаган Малик Раҳмоннинг ҳаёт йўлида бундай лавҳалар кўп. «Ўн уч қалдирғоч»нинг бири бўлган, республика маданият оламига ибтидоий маърифат чироғини ёққан бундай табаррук сиймолар ёш авлодларга доимо ибрат бўладилар.

Абул БОЗОРОВ,
журналист, меҳнат ветерани.

Кичик фельетонлар

Қизми... ўғил?

Ниҳоят ҳаммамиз жиянимни эркак эмас, қиз бола эканлигини тасдиқловчи ҳужжат қўлга киритилгани билан табрикладик.

— Уф, — дедилар отам пешоналаридаги реза-реза терларини рўмолча билан артиб, дўппиларини столга қўяр эканлар. — Наҳотки, ҳақиқатни тан олиш шунчалик қийин бўлса!

Бундан роппа-роса ўн саккиз йил илгари жияним Дилором дунёга келган эди. Ҳамма гап шундаки, ўша пайтда Октябрь район ЗАГС бюроси ходими унинг номига бериладиган туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномага ёки янглишиб, ёки саводсизлик қилиб Аҳророва ўрнига Аҳроров деб ёзиб қўйган экан. Орадан шунча йил ўтиб кетибдики, биронта инсон гувоҳномадаги ёзув нега бунақа? — деб сўрамабди.

— Яхшиямки, жиянинг ўқишга кирмоқчи бўлиб қолди, — дедилар онам, бўлмаса Дилоромдан икки йилга айрилиб қолар эканмиз.

Мен ҳайрон бўлгандим, онам давом этдилар:

— Ахир ҳамма ҳужжатларида ўғил бола фамилиясида бўлганидан кейин военкоматдан повестка кеп қолишиям ҳеч гап эмас.

Сиз ҳурматли газетхон, айтишингиз мумкин: шунча вақтгача гувоҳномани ўзгартиришга ҳаракат қилмадингизми? Ҳаракат қилинди. Синглимиз бечора бўш вақтида ЗАГСу, архивларга қатнайверди, тинка мадори қуриди. Куёвимиз ҳам беҳуда ووراгарчиликдан ҳафсаласи пир бўлди. Охири жиянимизга ўқишга кириш учун паспорт керак бўлиб қолди. Яна шу оғир масала кўндаланг турди. Бундай фамилияда паспорт беришмас, беришганда ҳам Дилоромнинг келажак тақдири нима бўлади, деб бизни ваҳима боса бошлади.

Ҳалиям кекса оталаримизда ғайрату шижоат бор-да. Етмишга чиқай деб турган отамиз енг шимардилар. Ишни аввал эндиликда жияним яшаётган Собир Раҳимов район ЗАГС бюросидан бошладилар. Бормаган ташкилотлари қолмади.

Ўша пайтдаги туғруқхона биноси бузилиб кетибди. Поликлиника архивида эса ёнғин чиққан экан, область, республика архивларида туғилганликни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмас экан. «Интилганга толе ёр» деганларича бор экан. Хуллас, аллақаердандир керакли бошланғич ҳужжатни топишибди.

Шундай қилиб, отамиз неваларини ростдан ҳам Аҳроров эмас, Аҳророва эканлигини тасдиқловчи ҳужжат асосида унинг номига паспорт олинишига сабабчи бўлдилар.

— Ур-ра, — дедик биз қувониб, — ҳақиқат бор экан-ку ахир. Йўқолсин саводсизлик, йўқолсин бюрократия! Яшасин ҳақиқат!

Справка учун справка

Иссиқ кунларнинг бирида ишхонамга терлаб-пишиб бир танишим кириб келди.

— Ёрдам беринг, дўстим, — деди у. — Уйимиз шаҳар территориясига ўтиб кетган, уни ўз номимизга ўтказмоқчи эдик. Сира бўлмаяпти.

Мен бепарво қўл силтадим:

— Э, шунга шунчаликми? Уй сизникими ишқилиб?

— Меники. Фақат ҳужжатларда уйдан фойдаланувчи дейилган. Уй эгаси эмас. Буларда билсанг дўстим, катта фарқ бор. Биринчи вариантда агар уй бузилса бир тийин ҳақ тўлашмайди... Яна бошқа тарафлари ҳам йўқ эмас.

Чарҳпалак

Қани юрингчи, дедим-да дўстимни етаклаб райижрокомга кириб бордим. Ижроком ходими иккимизни диққат билан тинглади ва бирдан қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Э, акахонлар, — деди у кулишдан тўхтаб, — сизлар учун жонимни ҳам беришга тайёрман-ку, лекин илтимосингизни бажариш учун бир иш қилишингиз керак.

— Қанақа иш? — сўрадик иккимиз бараварига.

— Яшаш жойидан тўплаб келган шу ҳамма ҳужжатларингиз тўғрилиги ҳақида яна ўша жойдан справка олиб келасиз.

Ҳазиллашаяпсизми? — деб унга қарасак бизга тамомила жиддий боқиб турибди. Қўйинг-э, дегандик, ходим танишимни «берироқ келинг» деб чақирди ҳамда столи тортмасидан аллақандай ҳужжатни олиб кўрсатди.

— Да-а, деди дўстим қўлтиғидан тарвузи тушиб, ўзи ташкилотма-ташкилот юравериб тинка-мадорим қуриб бўлди. Справкалар учун справкани эса турар жойимдан беришмаяпти...

Райижрокомдан чиқиб кета туриб, дўстимдан ортда қолдим-да, секин бориб таниш ходимдан сўрадим:

— Боя нега қотиб-қотиб кулдингиз, биродар? Мабодо бизнинг устимиздан эмасми?

— Бе-э, — деди у қошларини чимириб, — чиқариб қўйилган баъзи қўлланмалар устидан кулдим. Унга амал қилмасак бўлмайди, амал қилсак бу аҳвол. Ҳайтовур оғайнингиз тушунадиган одам экан, иши битмаса ҳам индамай чиқиб кетди-я!

Муҳими муҳр

Оғайним магазиндан кредитга рангли телевизор сотиб олмоқчи эди. Бизнингча, бунинг учун иш жойидан маоши кўрсатилган справкаю, паспорт кифоя. Справка қарз миқдорини тўлашни аниқлаш, паспорт эса яшаш жойини билиш учун.

— Э, акахон, — дебди сотувчи мўйловини бир силаб олиб, турар жойдан справка йўқ-ку!

Оғайним паспортнинг варағига қаерда яшаётганлиги ёзиб қўйилганлигига ишора қилибди. Сотувчи ҳужжатларни харидор олдига тап этиб ташлабди:

— Биз паспортни олиб қололмаймиз-ку!

Унда паспортдаги адресни ёзиб қўйинг. Ахир унга ишонмайсизми?

— Бизга муҳр, ҳа муҳр қўйиб тасдиқланган справка керак. Мен ҳам бола-чақали одамман. Салкам минг сўмлик мол бўйнимга тушиб қолишидан қўрқаман, акахон.

Оғайним кўнгли бўш одам, ке, телевизорни бугун бўлмаса эртага оларман, справка олиб келақолай, деб ЖЭКка борибди. У ердагилар тайёргина справкани оламан деб бекорларни ўйлабсиз, қани бир квартира ҳақини тўлаганлигингиз ҳақидаги ҳужжатингизни олиб келиб кўрсатингчи, дейишибди.

Оғайним ҳориб-чарчаб, оёқлари чалишиб уйига келгунча иш вақти тугаб бўпти. Эртага шанба. Шанба, якшанба кунлари ЖЭК ишламайди. Душанба эса магазин ёпиқ, сешанбада ишхонасидан жавоб тегармикан?

Хуллас, у рангли телевизор сотиб олиб мазза қилиб томоша кўраман, деб чучварани хом санаган экан. Текин томошага ўзи сабабчи бўлибди қўйибди. Бор-э, деб рангли телевизордан воз кечипти.

Хулоса ўрнида

Бу ҳаётий воқеаларни иши тушган билади. Ўзимиз билар-билмас ҳолда қоғоз чарҳпалакни айлантириб ётибмиз. Қизиғи шундаки, турли идоралардаги стол эгалари ҳам бу чарҳпалак беҳуда эканлигини жуда яхши билишади. Лекин қонда шунақа, қўлланмада шундай ёзилган, деб оёқ тираб туриб олишади.

Тескари айланадиган қоғоз чарҳпалаклардан қачон қутуламиз?

Абдусаттор ХАТАМОВ.

Шанба о

Биз, дунё болалари, тинчлик истаймиз.

Т. Каримов сурати.

Халқ мақоллари

- Ўттиз тишдан чиққан сўз ўттиз элга ёйилар.
- Онанинг танлагани — йигитнинг суйгани.
- Меҳнат қилмай, ҳасад қилган битар,
Меҳнат қилиб, тавсиф қилган етар.
- Ёмон ишдан фойда йўқ,
Яхши ишдан кўнгил тўқ.
- Яхши ишласанг тўнинг, ёмон юрсанг кунинг битади.
- Ўзингда элак бўлса, бировдан сўрама!
- Халқдан қочма, яккалик қурсин!
- Косов узун бўлса — қўл қуймас, дўст кўп бўлса — хор қўймас.
- Ош тузсиз, одам сўзсиз бўлмас.
- Бошидан ўтмаганнинг қошидан ўтма.
- Ёмон дўст — соя, ёруғ кунда ёнингда, қора кунда тополмайсан.
- Отанг боласи бўлсанг, айтганини қил.
- Қорасини кўриб қорни тўқ.
- Оч ташқаригa, яланғоч ичкарига қочади.
- Дарахтга барг либос, уйга палос.
- Тиришган тоғдан ошади.
- Одамнинг ерга боқаридан, сувнинг жим оқаридан қўрқ.
- Яхшиликка ёмонлик — ҳар кишининг ишидир.
Ёмонликка яхшилик — мард кишининг ишидир.

Филология фанлари номзоди, фольклоршунос олим Сиддиқ АСҚАРОВ ёзиб олган.

Бу—қизиқ

Порлоқ юлдуз

Киноактриса Софи Лоренни Италиянинг миллий ифтихори, «Аппенин юлдузи» деб аташади. Унинг номи дунёнинг ҳамма мамлакатларидаги кино мухлисларига яхши таниш.

Машҳур актриса 1954 йилда Витторио де Сика суратга олган «Неаполь олтинлари» фильмида сотувчи қиз ролини жуда маҳорат билан ўйнаб, кинодаги ўз ҳаётини бошланганди. Ҳозир у 90 га яқин бадиий фильмда хилма-хил, бетакрор образлар яратди.

Софи Лорен 1961 йилда яна Витторио де Сика яратган «Чочара» фильмида Чезира ролини ўйнади. Фильм Канн шаҳрида ўтказилган халқаро кинофестивалда намойиш этилди. «Олтин шохли пальма» мукофотини олишга сазовор бўлди ва бир неча фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Софи Лорен ўзининг ҳаётидан, оиласидан жуда миннатдор. У ўғиллари Карло ва Эдуардони ҳаётнинг ўзига берган энг катта, энг яхши мукофоти деб билади. Машҳур кино юлдузи ўзининг 54 ёшига қарамай ҳозир ҳам жуда дилбар, зебо, ижод бобида ҳам тенгги йўқ саналади.

Наргиза ЮСУПЖОНОВА тайёрлаган.

Ҳар тўғрида

Ўн тўрт миллион йил

Инсоннят тарихи 14 миллион йилга «узайди». Бунга ақл бовар қилмаса керак. Лекин Марказий Анатолияда жонзотлар суякларини топган турк олимлари айнан шундай хулосага келишди. Уларнинг фикрича, бу жонзотлар идрок этувчи одамлар бўлган. Доктор Иброҳим Теккава бошлиқ группа Туркиянинг пойтахти Анқара яқинида шу пайтгача учраган барча одамсимон жонзотлар яшаган жанзилгоҳларнинг энг қадимийсини қазиди. Нисбатан яхши сақланган жағ суяклари ҳамда бошқа суякларга қараб олимлар гоминид қиёфасини қисман тикладилар. Туркия палеонтологлари ўзлари топган қиёфа кўпгина параметрларга, жумладан тикка юришига кўра, одам деб тан олиниши мумкин ва керак, деб ҳисоблашяпти.

Агар туркиялик олимлар хулосаси тасдиқланса, бу воқеа палеонтологияда ҳақиқий революцияга сабаб бўлиши мумкин. Чунки, таниқли инглиз Ликнинг Олдувай дараси да (Танзания) ҳамда совет палеонтологларининг Хадраут (Жанубий Яман) да олиб борган маълум тарихий янгиликларидан кейин ҳам инсоннят тарихининг вақтинчалик доираси «бор-йўғи» 2—3 миллион йилгача узайтирилган эди.

Қуддусхўжа ОБИДХЎЖАЕВ.

Гуллар қувонч бахш этади...

Фан олами янгиликлари

Кумуш тангалар, мис пуллар

Қашқадарё областининг Яккабоғ районига қарашли Янгиобод қишлоғида истиқомат қилаётган Завқий Абдуалимович Бурхондинов М. Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейига ўз қишлоғи атрофидан топиб олган 23 дона кумуш тангани тақдим этди. Бу пуллар Ўрта Осиёда 1370—1405 йиллари ҳукмронлик қилган Амир Темур даврида турли шаҳарларда зарб қилинган тангалар эканлиги аниқланди. Тангаларни эса, Амир Темур қўғирчоқ хонларининг номи билан бирга, ўз номини ҳам қўшиб зарб қилдирган эди. Бу пуллар асосан кумушдан ишланган бўлиб, оғирлиги 6 граммни ташкил қилган. Унинг тўртдан бир қисмига тўғри келадиган 1,5 грамм оғирликдаги кумуш пуллар эса Темур номи билан «Мир» деб аталган. Бурхондиновнинг музейга топширган пуллари-нинг 8 донаси танга ва 15 донаси мирлардан иборатдир.

Ундан ташқари, қундалик турмушда ишлатиш учун жуда кўп мис пуллар ҳам чиқарилган бўлиб, улар қўғирчоқ хонларнинг номисиз, фақат Амир Темур номи билан зарб қилингандир.

Бу тангалар Ўрта Осиёда Бухоро, Самарқанд, шунингдек, жаҳонгир босиб олган Афғонистон, Эрон, Ироқ, Озарбайжон каби мамлакатлар ва Ардабил, Астробод, Дамагон, Мардин, Исфаҳон, Қум, Керман, Кашан, Шабанкара, Табриз, Себзавор, Саво, Широз, Шимохий, Саброн ва бошқа 40 га яқин шаҳарларда зарб қилинган эди.

Қўлимиздаги тангалар эса, 1388 йиллари Самарқанд, Табриз ва Дамагонда Сюрғамишхон билан, Сюрғамиш вафотидан сўнг, Маҳмудхон билан Амир Темур номидан зарб қилинган тангалар эканлиги аниқланди.

Бу тангаларнинг топилиши Амир Темур ҳукмронлик қилган даврдаги Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг сиёсий-иқтисодий, ижтимоий аҳволини ўрганиш ва бу давлатларда яшаган халқлар билан Ўрта Осиёдаги халқларнинг дўстлик алоқалари тарихини ўрганиш учун моддий ва ёзма манба бўлиб хизмат қилғусидир.

Ирпон ТЎХТИЕВ,
Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейининг катта илмий ходими.



Биродарлашган шаҳарлар дўстлиги

Бугунги Сиэтл

«Тошкент оқшоми»га Сиэтлдан юборилган ушбу туркум суратларда биз шаҳарнинг кўрфаз томондан намоён бўлувчи улуғвор манзарасини томоша қилишимиз мумкин. Кашшофлар хиёбони — шаҳарнинг диққатга сазовор жойларидан бири. У Сиэтлнинг тарихий райони ҳисобланади. Шаҳарликлар бўш вақтларини шу ерда ўтказишни, асрий дарахтлар соясидаги шинам қаҳвахонада вақт ўтказишни яхши кўришади.

1890 йилда қурилган темир йўл участкасини шаҳар аҳолиси асл ҳолида сақлаб қолган. Бу ерда эски паровоз ва ўша даврдаги станция иншоотларини томоша қилиш мумкин. Ҳозир у очиқ ҳаводаги музейга айлантирилган.

Ёз дастурхони

ШИФОБАХШ РЕЗАВОРЛАР

Сахий ёз ўзининг турфа ноз-неъматлари билангина эмас, балки шифо улашувчи «соқий» сифатида ҳам асл фасллардан ҳисобланади.

ПАРМАНЧАК

Парманчак (баъзан уни булдурғун ёки малина деб ҳам аташади) мевалари жуда қадим замонлардан бери бир қатор хасталиклар давоси сифатида фойдаланиб келинади. Жумладан, халқ табобати амалиётида парманчакнинг сархил мевалари ёхуд мева қоқилари асосида тайёрланадиган дамламалар иштаҳа уйғотувчи, овқат ҳазм қилишни осонлаштирувчи, ичак фаолиятини яхшиловчи, тинка қуришида дармон бўлувчи хуштабиат ичимлик бўлибгина қолмай, шамоллаш билан бўладиган азиятларда, ғарақ-ғарақ терлатиб, ҳарорат босувчи манба ҳисобланади.

Парманчакнинг резавор мевалари истеъмол этилганда, киши аъзолари дармондорилар билан ёлчийди, оғиз бўшлиғида ҳосил бўладиган елланиш, қараш тортиш ҳоллари камаяди, юрак салқишига хотима беради, беозор пешоб ҳайдовчи, қон тўхтатувчи (меъдадан, ичакдан, раҳмадан) синалган табиий воситаларандир.

Парманчак меваларини озода қуритиб олинадиган бўлса, заруият туғилганда ундан тадбиркорлик билан фойдаланиш мумкин. Ўй шароитида парманчак мевалари асосида шифобахш дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган сирланган, чинни ёхуд ҳароратга бардошли шиша идишларнинг биригa чамаси 2—3 стакан қайнаб турган сув қуйиб, унинг устига парманчак қоқисидан икки ош қошиқ миқдорида солинади-да, 20 минут давомида дам «едирилади». Шундан сўнг дока воситасида сузилиб дамлама хийла қисқа муддатда (1—2 соат ичида) иссиқ ҳолида ичилади.

Парманчак меваларининг шифобахшлик даражасини белгилайдиган нарса, у ҳам бўлса, танага манзур келувчи органик кислоталар, нозик витаминлар, каротин, чучук омиллардан бўлмиш глюкоза, фруктоза, сахароза, фитостеринлар, ошловчи ва ҳурушлаштирувчи моддалар, фойдали калий, фосфор тузлар ҳисобланади.

Парманчак бизнинг шароитимизда маданий равишда ўстирилиши мумкин бўлган серҳосиятли бута ўсимлиги. Уни лозим кўрилган барча жойларда ўстириш мумкин.

ҚОРАҚАТ

Қорақат (уни руслар қора смородина деб аташади) ёзнинг серҳосиятли резавор мевалари қаторидан жой олган шифобахш неъматлардан ҳисобланади. Унинг мевалари азалдан бедармонликда, қувватсизликда, озиб кетишда дармон бўлувчи неъмат сифатида истеъмол этилиб келинади (П. П. Голишенков). Қорақат мевалари шарбати юқори нафас йўли хасталикларида ором бағишловчи, дардга эм бўлувчи омил ҳисобланади.

Тиббиёт билимдонларининг тавсия қилишларича, кунига ярим пиёла миқдорида қорақат резавор мева шарбати ёки қиёмидан истеъмол қилиниб туриладиган бўлса, у меъда яллиғланиши, яраси, шунингдек ичак яллиғланишида ижобий натижасини намоён этади.

Қорақатнинг сархил меваси, шунингдек, мева қайнатмаси юрак, буйрак, асаб касалликларида фойдали бўлиши билан бирга, асаб толиқиши билан боғлиқ бўлган хасталикларда даво ҳисобланади, шунингдек, унда енгил пешоб ҳайдаш ҳамда терлатувчи хусусият ҳам бор.

Уй шароитида қорақат мевалари асосида қуйидагича беозор доривор омилларни тайёрлаш мумкин. Дамлама тайёрлашда оғзи яхши ёпиладиган идишга бир стакан миқдорида қайнаб турган сув қуйиб, унинг устига мевадан икки ош қошиқ миқдорида солинади-да, бир соат атрофида дамлаб қўйилади. Сўнгра дока воситасида шарбат ажратиб олиниб, овқатланишдан олдин ярим стакандан истеъмол қилинади.

Мева асосида қайнатма тайёрлаш учун оғзи зич ёпиладиган идишга бир стакан (200 грамм атрофида) сув қуйилади ва унинг устига 20 грамм мева солиниб ярим соат давомида қайнатилади. Қайнатма совуганидан сўнг сузиб олинади ва юқорида зикр этилган хасталиклар давоси сифатида кунига 3 маҳал бир ош қошиқдан ичилади.

Қорақат беор бута. Уни боғ ва боғчалар атрофига, лахтак жойларга экиб, манзара кашф этувчи, серҳосиятли ўсимлик сифатида ўстириш мумкин.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

қшомида

Бебурд

(Қатра)

Самад уйқудан карахт бўлиб уйғонди. Хонада сочилиб ётган буюмларга қараб, туриб қолди: «Менга нима бўлди ўзи? Наҳотки манман деган Самад шу кўйга тушиб ўтирса-я!?». У хаёллар гирдобида каравотга чўзилди. Ахир, бир пайтлар унинг ҳам меҳрибон онаси, хотини, ширин-шакар фарзандлари бор эди-ку?

Самад ота дийдорини кўрмай ўсди. Бунинг устига ёлғиз ўғил. Онаси Дилоромхон опа ўғлимнинг кўнгли ярим, ўксимасин деб уни ҳадеб эркалатар, топган-тутганини арзандаси қўлига тутқазарди. Чўнтакка тушаётган ортиқча пул Самаднинг хаёлини олиб қўйди. У ича бошлади. Улфатлар маҳалланинг ўзидан топилди. Аввалига ҳавас учун ичди. Кейин эса ичмаса туролмайдиганлари бўлиб қолди. Бу орада уйланди. Эсли-ҳушли саркомат келинчак Самадга бири-биридан ширин икки фарзанд туғиб берди. Улар иноқ эдилар. Лекин ичкилик мана шу иноқликка ҳам нифоқ солди. Самад ишдан ғирт маст бўлиб, оёкда зўрға турганча келар: «Дадажон!» дея унга талпинган болаларини нари суриб, столга муштлаганча хотинига бақирарди: «Чой опке!»

Ҳаёти заққумга айланган Комила эрига ялиниб-ёлворди, фойдаси бўлмагач, икки боласини олди-ю, отасиникига кетиб қолди.

Лекин бутун умрини, бахтини шу ёлғиз фарзанди учун қурбон қилган она Самадни ташлаб кетмади. У фарзанди инсофга киришини, одамлардек бахтли яшашини орзу қиларди. Муштипар она умр бўйи интиқ бўлган ўша бахтли кунларни кўрмасдан ҳаёт билан видолашди. Волида умрининг сўнгги дақиқаларида ўғлидан бирон оғиз ширин сўз эшитишни истар, бадбахт ўғил эса ғирт маст ҳолда каравотда қотиб ухларди. Эрта тонгда Самаднинг дийдиёси одамлар қалбини ларзага солди: «Вой онам, ғафлатда қолган болангни кечир!». Мана бир ойдирки, ҳайҳотдай ҳовлида Самаднинг бир ўзи яшайди...

...Самад узоқ ўтирди. Кейин тўсатдан ҳўнграб йиғлаб юборди. Бутун аламини йиғидан олганча, анчагача кўз ёши қилди. Бир оздан сўнг эса, шошиб соатига қаради-ю, кўз ёшларини артганча маҳалладаги магазин томон ошиқди. У ерда эса Самадни қулфат келтирган «улфат»лари кутиб туришарди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
Қашқадарё область Яккабоғ район «Авангард» газетасининг ходими.

Ҳам қувончли, ҳам даҳшатли

(Ҳикоя)

«ОДАМ БОЛАСИ — ТАБИАТ ГУЛИ» деб бежиз айтилмаган. Эндигина беш ёшга қадам қўйган Зебонинг анордек қип-қизил кулчаларидан, чаросдек тим қора кўзларидан, янги ойдек қошлари, оппоқ иягидаги нўхотдек ҳоли оилага кўрк бўла бошлади. Бунинг устига қизнинг бийрон тили ота-онанигина эмас, қўшнилару, амма-холаларини ҳам ҳайратга сола бошлади. «Ишқилиб, болани ёмон кўздан асрасинда», дейишарди улар.

Минг афсуски, Зебога «кўз» тегди: қимиз ичириб, яйлов об-ҳавосида яйратмоқчи бўлган ота-онаси тоққа олиб бориб, кар, соқов қилиб қайтишди. Бунинг сабаби даҳшатли момақалдироқ билан тўсатдан қутурган бўрон бўлди. Қўрқинчли гумбирлаган момақалдироқ тоғда акс-садо билан еру кўкни титратди. Титратдигина эмас, болалар қолиб катталарни ҳам қўрқитиб юборди. Бунинг устига бирдан бошланган дўл кўз очирмай қўйди. Бу ҳам етмагандек қутурган қуюн аввалига пақирларни тарақ-туруқ думалатиб, учирди. Осиб қўйилган кийим-кечак, ерга маҳкамлаб ўрнатилган ўтовни ҳам ағдариб кўтариб кетди. Отларнинг қўрқинчли кишнашлари, қўй-эчкиларнинг ҳуркиб маърашлари яйловни кўз кўрмаган жаҳаннамга айлантирди. Катталар болаларни бўрон, қуюн учириб кетишидан аранг сақлаб қолишди. Қўғирчоқдек қиз Зебо бўлса айбдор — кар, соқов бўлиб қолди.

Олти ўғилдан кейин туғилган қиз ота-онанинг қувончи эди. Айниқса, қизчанинг ақлини тез таниб бошлаши, атроф-муҳитни тасаввур эта олиши, кўрган, эшитган нарсаларни хотирасида узоқ сақлаб қолиши, шеър ва қўшиқларни тез ёдлаб олиши ҳаммани суюнтирарди. Шунинг учун бўлса керак, Зебонинг гунг бўлиб қолиши кўпларнинг юрагини эзиб юборди. Ота-онасини эса қайғуга солиб қўйди. Уларнинг кўрсатмаган доктори ҳам, табиби ҳам, олиб бормаган жойи ҳам қолмади. Одамларнинг маслаҳатларига кўра соқов бўлиб қайтган яйловга яна олиб боришди. Зебо бўлса машинадан тушибоқ, атрофга аланг-жаланг кўз ташлаб, жим ёш тўка бошлади.

Орадан ўн йил ўтди. Зебо кун сайин тўлишиб чиройли бўлиб, ақлли бўлиб борар, ўзидан-ўзи китобларга қараб, акаларининг чизган расмларига тикилиб расм солишни, ёғоч ўйиб бир нималар ясашни машқ қиларди. Тез орада унинг ҳайкалчалари, чизган гуллари, манзаралари одамларнинг ҳавасини келтира бошлади. Қизнинг санъатга бўлган қизиқиши, истеъдоди ота-онани қувонтирарди-ю, совчилардан дарак бўлмаётгани ғамга соларди. Ҳа, ҳаёт қонуни бу. Қизнинг оилага фақат фойдаси тегиб турса ҳам, ота-она тезроқ узатиб юборсам дейди. Она учун эса ҳар кун гўё бир йилдек узоқ туюлади. Балоғатга етган қиз қанча «ўтириб» қолса, мушфиқ она шунча тез қариб боради. Зебонинг онаси ҳам кейинги икки йил ичида руҳан қариб қолди. Сочининг қораси қолмади. Икки ёноғи қипқизил бўлиб юрган оқ юзли аёлнинг ранги синиқиб, заъфаронга айланиб кетди. Отага ҳам қарилик нусхи уриб қолди. Ҳар йили иссиқ ёз кунлари ойлаб кетиб, дам олиб, қимизга тўйиб, яйраб келадиган оила яйловни ўйламай қўйди. Дўсти неча марта таклиф қилса ҳам ҳар хил баҳоналар билан бормади.

— Онаси, — деб ўйчан гап бошлади бир куни ота. — Зебони олиб аммасиникига бориб келсанг қандай бўларкин?! Сердарахт, сербулоқ қишлоқда дам олиб келармидиларинг.

— Яхши ўйлабсиз, дадаси, — деб суюнди она. Аслида отанинг «Қизимизга амманинг ўғлининг назари тушармикан?» деб ўйлагани она тушунди. Эртасигаёқ жўнашди. Аммо бир ҳафта турартурмас қайтишди. Меҳрибон амманинг «Бунақа гулга ўхшаган қиз қайда бор, ўғлим? Ҳеч қайда йўқ билсанг! Унинг чеварлигини, донолигини билсанг эди!» деганига ўғил: «Бир камим ҳовлимда азон айтишим қолувди» деб кўнмади. Шундан кейин она қайтишга мажбур бўлди. Она қайтди-ю, эртасига амма бир нуроний аёл билан кириб келди. Аёлнинг совчиликка келгани маълум бўлди. «Ёлғиз ўғлимга қизингиз ёқиб қолганига бошим осмонга етди», деб шодлигини баён этди аёл.

— Ўғлингиз адашмаганмикан, синглим, — деди она ҳайрон бўлгандек. — Қизимизнинг қулоғи оғир, тили ҳам...

— Ҳаммасини ўғлим билади, опажон. Зебохон булоқ бўйида расм чизиб ўтирганида бир-бирини кўриб гаплашибди.

— Гаплашибди? — деб ҳайрон бўлди она.

— Ҳа, хат ёзишиб гаплашибди. Ўғлимнинг қувончи юрагига сиғмайди. Биз — эр-хотин суюнганимизни билсангиз эди! Ўғлим доктор бўлиб, ўттизга яқинлашиб бораётганига қарамай, бирон қиз ҳақида оғиз очмаган эди.

Бу гапларни аёл қанчалик хурсандлик билан гапирса, она ҳаяжон билан, ҳузур билан тинглади. Ниҳоят, тўй бўлди. Шодлик устига — шодлик бўлди: Зебонинг расмлари билан ҳайкалчаларини эри Баҳромжон «Халқ ижоди» деган конкурс-кўргазмага топширган экан, биринчи ўринга лойиқ кўрилибди. Бундан Зебохон бир суюнса, Баҳромжон ўн чандон суюнди. У Зебохонни шу қадар севиб қолган эдики, уни еру кўкка ишонмас, ўтқазгани жой тополмас, боқиб тўймасди. Бу ҳолдан тўлқинланиб, ўзида йўқ қувонган Зебохон эрининг кўнглини овлашни билолмай афсусланиб, кўзлари тўла ёш билан таъзим қиларди, ҳолос. Аммо Баҳромжоннинг эзгу армони Зебохоннинг тили-ю, қулоғида эди. «Унинг давосини топсам дунёдаги бахтиёрлар бахтиёри бўлар эдим!» деб ўйлагани ўйлаган эди. Унинг умид, меҳр билан боқишлари Зебохонни эритиб юборарди. У эрини суюнтириш ниятида янгилик қидирар, бирон нарса яратиш иштиёқида яшар, ёғочдан ажойиб қушлар ясар, чиройли гуллар чизарди. Баҳромжон бўлса одамнинг руҳий ҳолатларида юз берадиган ўзгаришлар ҳақида асарлар яратар, табиат ҳодисаларининг одам руҳига салбий, ижобий таъсири ҳақида мулоҳаза юритарди.

Кунларнинг бирида ҳам даҳшатли, ҳам қувончли ҳодиса юз бердики, Баҳромжоннинг кеча-кундуз ва ойлар-йиллар оша ўйлаган орзуси рўёбга чиқди: ярим тунда содир бўлган қўрқинчли зилзила пайтида Зебохон додлаб юборди. Бир лаҳзада унинг тили ҳам чиқди, қулоғи ҳам очилиб кетди.

Ёқубжон ШУКУРОВ.

Мамлакатлар, одамлар, одатлар

ФАЗОГИРЛАР УЧУН ИЧИМЛИК

Америка фирмаларидан бири реклама мақсадида фазогирлар учун мўлжалланган ичимликни ишлаб чиқара бошлади. Ичимлик оддий «кока-кола»нинг ўзи, фақат идиши билангина фарқ қилади. Банка кўринишидаги идиш махсус маркали пўлатдан ишланган бўлиб, унинг ичига ичимликни вазнсизлик шароитида ҳам ичиш имконини берувчи механизм ўрнатилган.

ОВОЗЛИ ГАЗЕТА

Бельгияда одатдан ташқари... магнитофон кассетасига ёзилган ҳафтанома чиқа бошлади. Уни машина ичидаги магнитофонга қўйиб, ҳайдовчи ва йўловчилар ҳам энг сўнггги сиёсат, экономика ва маданият янгиликларидан хабардор бўлишлари мумкин. 45 минутли ахборотлар программаси вақти-вақти билан музика билан бўлиниб туради. Овозли газетанинг нархи қиммат бўлишига қарамай ҳозиргача ҳафтаномага мингдан знёд киши обуна бўлибди.

САМОЛЁТНИ ҚАНДАЙ ЧЎМИЛТИРИШ МУМКИН!

Японияннг «ЖАЛ» авиакомпанияси Токио аэропортида самолётларни ювиш учун мўлжалланган жаҳонда биринчи автоматни ўрнатди. Қурилмани компьютер бошқаради: у самолётнинг катта-кичиклигига қараб зарур миқдордаги сув ва ювиш воситаларини ажратиб туради. Улкан чўткаларнинг ишини ҳам электрон-ҳисоблаш машинаси бошқаради. Одатдан ташқари «душ»ни ҳатто ҳажми юз метрдан катта реактив самолётлар ҳам қабул қилиши мумкин.

КЎЗ ОЧИБ ЮМГУНЧА

Кари Никкенен кўз очиб юмгунча машҳур бўлиб кетди. Бунинг учун унга Иматрада (Финляндия) ўтган одатдан ташқари «Рекордлар фестивали»да иштирок этиб, 3,1 минут давомида ўзунлиги 130 сантиметрга тенг сосискани ямламай ютишга тўғри келди, холос...

Лехтикув—ТАСС сурати.

ҚАМОҚХОНАНИ ТУНАШИБДИ

Маҳбусларнинг қамоқхонадан қочиши вақти-вақти билан учраб туради. Аммо бу сафар ҳамма нарса аксича бўлди. Данияннг Могелкар қамоқхонасига ўғрилар тушибди. Улар қамоқхона бошлиғининг пўлат сейфидан 116 маҳбуснинг бир ойлик маошини ўғирлаб кетишибди.

БИР ДОНА ҲАМ МИХ ҚОҚМАЙ

Таиланднинг марказий қисмида истиқомат қилувчи қабилалар бамбук ва ёғочдан катта-катта ғилдиракли араваларни ясашади. Бу араваларга ҳўкизлар қўшилади. Мазкур транспорт воситасининг диққатга сазовор томони шундаки, унга бирорта ҳам мих қоқилмайди, металл деталлар ишлатилмайди.

ЖОНЛИ МАНЕКЕН

Бельгия шаҳарларидан бирида одатдан ташқари манзарани — магазин витринасида яшовчи одамни учратиш мумкин. Касби шофёр, уч боланинг отаси Даниэль бир неча йил иш тополмай сарсон бўлди. Шундан сўнг у жонли манекен бўлиб хизмат қилишга рози бўлди. Даниэль эртадан кечгача магазин витринасида ўтириб, кийим-кечакларни намойиш қилади. Магазин хўжайнининг мўлжали тўғри бўлиб чиқди. Жонли манекен бирор нарса харид қилиши мумкин бўлган кўплаб қизиқувчиларни ўзига жалб этмоқда.

ДОВЮРАКЛИГИ УЧУН

Англиялик Питер Смит Италиянинг Пертиньян шаҳрида таъсис этилган ва ҳар йили бериладиган Европа мукофотига сазовор бўлди. Тунда, уйи яқинида автомобиль фалокати рўй берганлигини эшитган Питер дарҳол кўчага отилиб чиқди ва бир нечта автомобиль дарёга қулаганини кўриб қолди. Смит устидаги пижамаси билан ўзини сувга ташлади ва беш кишининг ҳаётини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

АФСОНАВИЙ ҚАЛЪА

Венгриянинг Секешфехервар шаҳри яқинида муҳташам ўрта аср қасри қад кўтариб турибди. Ана шу қалъага бирорта ҳам амалдор қадам қўйган эмас. Қалъа ёзги таътил вақтида меъморчилик фани ўқитувчиси Ёнё Бори бошчилигидаги студентлар томонидан қурилган. Узининг жимжимадор миноралари, пилларояларини, айвонлари ва шийпонлари билан у ростмана қасрга ўхшаб кетади.

ҚИРОЛ ДАЪВАТИ

Нигериянинг Бенин қироллиги ҳукмдори Эрединаува мураккаб иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни давлат миқёсида ҳал этишнинг воситаларидан бири сифатида вақти-вақти билан қўнгилли равишда овқат истеъмол қилишдан воз кечишни таклиф қилди. Нигериянинг энг эътиборли доҳиларидан бири Бендел штати территориясида жойлашган ўз қироллигининг аҳолисига радио ва телевидение орқали мурожаат қилиб, уларни уч кун давомида овқат истеъмол қилишдан ўзларини тийишга даъват этди.

УЙ ИЧИДАГИ ПОЛИЗ

Италиянинг Сан-Сильвестро шаҳрида истиқомат қилувчи Карло Факини металлдан ясалган одатдан ташқари парник конструкциясини яратди. Уни бемалол уй ичида жойлаштириш мумкин. Парник ташқи кўриниши билан митти томоша ғилдирагини эслатади, тупроқ ёки ўғит аралашмаси билан тўлдирилган олти «тоғора» бир ўқ атрофида айланиб туради.

НОЁБ ТОПИЛДИҚ

Мияконодзио деган ерда (Японияннг Миядзаки вилояти) паррандашунослар ҳаддан ташқари ноёб қуш — қора қанотли узун оёқ қушга дуч келдилар. Бу қушнинг ватани азалдан Хитой деб ҳисобланар эди. Илгари уни Марказий Осиёнинг баъзи регионларида кўришган, аммо бирор марта ҳам Японияда учратишмаган эди. Узун оёқ қушлар галасини (ҳаммаси бўлиб ўн тўрттага яқин) шу вилоятда истиқомат қилувчи Мисао Сонода, улар овқат излаб шолипояга қўнган пайтда кўриб қолди. Аммо одам шарпасини сезган қушлар дарҳол ғойиб бўлишди. Шунга қарамай паррандашунослар уларни излаб топишга, ҳатто суратга туширишга (сиз кўриб турган сурат) муваффақ бўлишди.

Қулоққа чалинган гаплар

— Бу қиз ким?
— Исми Моҳигул, у Ҳайруллонинг қўлида рақс тушади.
(Санъат шинавандасининг гапи).

* * *

Дарахтни бир силкитсам-чи, ўнта йигит ёғилиб тушади. ...Маъқулми?
(Қизгинанинг йигитга жавобидан).

* * *

— Гулноз, юрганингиз борми?
— Соображаеш! Оғзингизга қараб гапиринг.
(Қизнинг йигитга танбеҳи).

* * *

Икки кўзимнинг оқ-у қораси,
Сиздан топилгай дарднинг давоси.
(Маҳаллий отарчи қўшиғидан).

* * *

«Кузатиб турсам, қўшнимизнинг эшаги бўшаб кетиб, гулзорга келиб атиргулни емоқчи бўлди. Аммо, гулни емай, ҳидлаб, «жилмайиб» қўйди»...
(Бир ҳаваскорнинг ҳикоясидан).

Мухтар СУЛАЙМОНОВ.

Латифалар

МЕНИ САЙЛАШДИ..

Президиум столига графинни қўйишди. У бундан ўзида йўқ хурсанд бўлиб бирдан овоз чиқарди:
— Мени сайлашди, яшасин, мени сайлашди!

ЧОЙ ПУЛИ

Афанди автобус ҳайдовчиси эди. Бекатлардан бирида автобусдан тушаётган олифта йўловчи Афандига:
— Манови чой пулини олиб қўйинг, — деди.
— Чой пулингни кассага ташла, у менга рўзғор пулини беради, — деди Афанди.

ҲОДИСА

Профессор лекцияни тугатди. Шунда студентлардан бири савол берди:
— Ўртоқ профессор, ҳозир, мабодо одамлар қайта маймунга айланиб қолганларида қандай ҳодиса рўй берарди?
Афанди дарҳол жавоб берди:
— Шуни ҳам билмайсанми? Улар дарахтга чиқиб кетишлари учун айни пайтда дарахтлар етишмасди.

Тошпўлат ТУСНАЗАРОВ,
Фарғона область Фрунзе райони.

Ғаройиб хабарлар

⊙ **Киностудия аҳолидан «Универсам» фильмини суратга олиш учун чекланмаган миқдорда колбаса, гўшт ва қанд маҳсулотларини сотиб олади.**

⊙ **«Олғир» кооперативи сўнггги модадаги кўйлаклар тикиб чиқара бошлади. Улар мавсумий ва анчагина қулай бўлиб, нархи бор-йўғи рангли телевизор нархига тенгдир.**

⊙ **Ресторан директори тўймасовни олишди. Директор ўринбосарини олишди. Кассир Алдархонни ҳам олишди. Официантлар Қайсархон ва Қўполхонларни ҳам олишди. Ҳатто ресторан швейцари Жоййўқ акани ҳам олишди.**

Натижада группали фотопортрет ҳосил бўлди.

⊙ **Ҳафтада уч кун дам оладиган, номаълум шахсдан Кўйлиқ бозорида сотиб олинган календарь бекор қилинади.**

Сайфулла НАМОЗОВ.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

31 июлдан 6 августгача Телепрограммалар

Душанба, 31

● ЎзТВ

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 ЎзТВ фондидан. А. П. Чехов. «Зўраки трагик». Телеспектакль.
18.55 Болалар учун фильм. «Бизнинг Чуккокала».
19.50 «Гулистон» таклиф этади». Газчиларнинг меҳнати ва дам олиши ҳақида кўрсатув.
20.00 «Ахборот» (рус.).
20.20 «Болалар ва театр». Республикада болалар театрларининг муаммолари ҳақида.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ахборот».
22.25 Реклама.
22.30 «Жанговар машина экипажи». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).
23.45 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Ўтмиш ҳали олдинда». Телефильм.
19.55 «Она қўшиғи ҳам эсга тушади». Фильм-концерт.
20.25 «Қизил асаларилар». Бадиий фильм («Ленфильм»).

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.05 «Фироғий — бахтдан айрилган демак». Бадиий фильм. 1-серия (рус.).

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 Мультфильмлар: «Тиллақўнғиз», «Арғумчоқ шер», «Автомобилда сайр».
9.35 Футбол шарҳи.
10.05 «Минора». Бадиий фильм («Ленфильм»).
11.30 «Ҳайвонот оламида».

* * *

16.00 Вагнер залида концерт. Ригадан кўрсатилади.
16.30 Телевизион ҳужжатли фильмлар премьераси: «Россиянинг асосий шаҳарлари» («ЛСДФ»), «Ужгород таклиф этади» (Давлат телерадиосининг буюртмасига биноан Ташқи алоқалар Бош бошқармаси суратга олган).
17.05 «Онам, дадам ва мен».
17.35 Мультфильмлар: «Эски танишлар», «Халоскор таёқча».
18.15 «Ҳар қалай денгиз-денгизда». Телевизион ҳужжатли фильм.
18.45 «Халқ ижодиёти». Телевизион шарҳ.
19.15 Бутунроссия конкурсининг лауреати Т. Хохлова куйлайди.
19.30 «Тинч океан узра мўътадил шабадалар».
20.15 Киноальманах. Қисқа метражли бадиий фильмлар: «Манька», «Олдиндан айтиб бериш қўлимиздан келмайди», «Тирналган». Премьера.
21.30 «Время».
22.05 «Наврўз-89». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон театрларининг фестивали ҳақида.
22.50 Футбол шарҳи.
23.20 «Тео Адам таклиф этади...» ГДР телевидениесининг музикали кўрсатуви.
00.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика.
8.45 «Икки цивилизация учрашуви». 1-фильм («ЦНФ», Греция телевидениеси).
9.05 Итальян тили.
9.35 «Цирк артистлари Ермолаевлар». Фильм-концерт.
10.20 Мультфильмлар: «Мушук Леопольднинг саргузаштлари». I — 6-сериялар.
11.15 «Давр ва ўзим ҳақимда». Б. Корнилов.
11.30 «Бу оламни ҳаяжонлантирмоқда».
11.45 «Миттивой». Бадиий фильм, субтитр билан (Рига киностудияси ҳамда «Баррандов» студияси, ЧССР).
13.05 «В. Золотухин куйлайди». Фильм-концерт («Экран»).
13.35 «Тундра жанби олиялари». Ҳужжатли фильм.

* * *

17.30 Янгиликлар.
17.40 Бизнинг фондимиздан. Москва Давлат филармонияси академик симфоник оркестрининг концерти.
18.30 «Джек қурган уй». Мультфильм.
18.40 Реклама.
18.45 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
19.45 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Волга—Волга». Астрахань телевидение студиясининг программаси.
20.15 Халқ куйлари.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.45 «Қучоғингдаман, Ватан...» А. Жигулиннинг шеърий асарлари асосида адабий композиция. Калининграддан кўрсатилади.
21.20 Я. Сибелиус. «Ғамгин вальс».
21.30 «Время».
22.05 «Кўрфазлар». Бадиий фильм («Мосфильм»).
23.25 Футбол. СССР чемпионати. «Днепр» — «Динамо» (Тбилиси). Днепропетровскдан кўрсатилади.
01.05 Янгиликлар.

Сешанба, 1

● ЎзТВ

15.00 «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма.
16.15 «Қизил асаларилар». Бадиий фильм.
17.25 Тошкент политехника институти — инженер кадрлар масканн.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Болалар учун фильм. «Димкаининг хўрозчаси».
18.30 «Ижод саҳифалари». ЎзССР халқ ёзувчиси П. Қодиров (рус.).
19.30 «Мелиорация — юқори ҳосил гарови».
20.00 «Ахборот» (рус.).
20.20 «Тоғлар куйи». Манзарали фильм.
20.30 «Олма дарахти ҳақида эртак». Катталар учун мультфильм.
20.40 «Халқ ижодиёти». Фольклор коллективлар республика кўрик-конкурси ғолиби «Чодир Жамол» ижро этади.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ахборот».
22.25 «Соқов ва муҳаббат». Бадиий фильм (Ливан).
24.00 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 «Кохановкалик артист». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия).
20.50 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Кескин танқид остида» (рус.).

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.05 «Суғориш ишларига эътибор».
22.15 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт.
22.45 «Фироғий — бахтдан айрилган демак». Бадиий фильм. 2-серия (рус.).

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 Киноальманах. Қисқа метражли бадиий фильмлар: «Манька», «Олдиндан айтиб бериш қўлимиздан келмайди», «Тирналган». Премьера.
10.20 «Бу бўлган... бўлганди...»
10.40 «Наврўз-89». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон театрларининг фестивали ҳақида.
11.25 К. Сен-Санс. Скрипка ва оркестр ижроси учун 3-си минор концерти (ЧССР телевидениеси).

* * *

16.00 «Музикали хазина». Л. Бетховен ва Ф. Лист сонаталарини халқаро конкурслар лауреати Б. Дуглас ижро этади (фортепьяно). (Буюк Британия).
16.50 Мультфильмлар: «Каҳрабо қаср», «Лайлак учди, ғоз учди».
17.30 СССР халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмаси ҳақида ҳужжатли фильм премьераси.
18.00 «Бор бўл, музика!»
18.45 «Ҳокимият — Советларга».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Карачаевск шаҳри «Эрирей» фольклор ансамбли ижро этади. Пятигорскдан кўрсатилади.
20.00 «Балиқ сув остига сузяпти». Телевизион ҳужжатли фильм.
20.15 А. П. Сумароков. «Яшар эканман...»
21.30 «Время».
22.05 Духовой оркестрларнинг чиқиши.
22.30 Резонанс. «Дунё ва биз: умуминсоний манфаатларнинг устунлиги».
24.00 Ёш модельерларнинг Бутуниттифоқ конкурси.
00.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика.
8.45 «Икки цивилизация учрашуви». 2-фильм.
9.05 «Адигей халқ ижоди». Краснодардан кўрсатилади.
9.45 Француз тили 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.15 Мультфильмлар: «Мушук Леопольднинг саргузаштлари». 7—9-сериялар, «Леопольд ва олтин балиқча», «Туғилган кун».
11.10 «Техника поездлар қатнови хавфсизлиги хизматида». Ҳужжатли фильм премьераси (Свердловск киностудияси).
11.30 Янгиликлар.
11.40 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
12.10 Талабларингизга биноан. «Тўрт танкчи ва ит». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия — «Экипаж» (ПХР телевидениеси).
13.05 «Каунас ҳамиша Каунас-да». Телевизион ҳужжатли фильм.
13.30 Ритмик гимнастика.
14.00 «Кўрфазлар». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Янгиликлар.
17.40 МТ фондидан. «Хавфли бурилиш». Телевизион бадиий фильм. 1-серия («Мосфильм»).
18.50 Реклама.
18.55 Ритмик гимнастика.
19.25 Ҳужжатли фильмлар экрани. «Суйменқул Чокморов». Ҳужжатли фильм премьераси («Қирғизфильм»).
20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.30 **СССР Олий Совети сессияси.**
21.30 «Время».
22.05 МТ фондидан. «Хавфли бурилиш». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
23.15 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви (такрор.).
23.45 Янгиликлар.

Чоршанба, 2

● ЎзТВ

15.00 «Кохановкалик артист». Бадиий фильм.
16.15 «Саховат улашиб». Ҳужжатли фильм.
17.25 Тошкент қишлоқ хўжалик техникуми. Ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш муаммолари.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Болалар учун фильм. «Болалар заставаси».
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Камалак».
19.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Кўл бўйида» (рус.).
20.00 «Ахборот» (рус.).
20.15 «Хат ва ҳаёт».
21.00 Ўзбек куйларидан концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ахборот».
22.25 Долзарб мавзу. «1991—1995 йилларда Ўзбекистон ССРни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштириш ва республика аҳолисининг фаровонлигини юксалтириш программаси лойиҳаси муҳокамаси».
22.55 «Сирли шарча». Бадиий фильм («Мосфильм»).
24.00 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Невьянск. Лавҳалар». Телефильм.
19.40 «Ватандан узоқда». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия).
21.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Пульс». Информацион кўрсатув.
21.15 «Нафосат». Телефильм.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ҳаёти деҳот». Тележурнал.
22.45 «Ёруғлик формуласи». Бадиий фильм (рус.).

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 Мультфильмлар: «Пряник бобо», «Золушка», «Қўён, Скрип ва Скрипка».
9.45 А. П. Сумароков. «Яшар эканман...»
11.00 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Излар» (Куба).

* * *

11.25 «Саёҳатчилар клуби».
16.00 Болалар учун фильм. «Ғариб жинлар мамлакатида» («Озарбайжонфильм»).
17.10 БССР музикали фольклорининг концерти.
17.50 «Алдаркўса». Мультфильм.
18.05 Ҳужжатли фильмлар: «Грибоедов қанали, 9-уй».
18.30 «Импульс». Илмий-техника тараққиёти ва экология.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 1989 йил қўшиқлари.
19.50 «Боғбон». Бадиий фильм («Ленфильм»).
21.30 «Время».
22.05 «Босқичлар».
23.35 «Дунё воқеалари».
23.50 Молдавия ССР «Флуераш» халқ куйлари оркестрининг концерти.

● МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика.
8.50 «Икки цивилизация учрашуви». 3-фильм.
9.10 «Болалигим тушга кириб». Фильм-концерт («Экран»).
9.40 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.10 «Бу фантастик олам». «Тўпни ота билиш керак». Фильм-спектакль.
11.30 Янгиликлар.
11.40 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
12.10 «Тўрт танкчи ва ит». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия — «Қувонч ва қайғу».
13.05 Мультфильмлар: «Қўрқинчли воқеа», «Сеҳрли ҳалқа».
13.30 «Хавфли бурилиш». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

* * *

17.30 Янгиликлар.
17.40 «Хавфли бурилиш». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
18.30 «Маросим рақслари». Фильм-концерт премьераси (Ереван).
19.15 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. Пенза телевидение студиясининг программаси.
20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.30 **СССР Олий Совети сессияси.**
21.30 «Время».
22.05 «Хавфли бурилиш». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
22.55 «Давр кўзгуси». Телевизион ҳужжатли фильм.
23.40 Янгиликлар.

Пайшанба, 3

● ЎзТВ

15.00 «Ватандан узоқда». Бадиий фильм.
16.25 «Элегия», «Тирик технология инженерлари». Телефильмлар.
17.25 «Авлодлар учун ўрнак». «Зенит» ҳарбий-ватанпарварлик клуби ҳақида (рус.).
18.00 Янгиликлар.
18.15 Болалар учун фильм. «Тоза доска».
18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбингизни эъзозланг».
19.30 «Янгича тафаккур». Дин ва жамият.
20.00 «Ахборот» (рус.).
20.20 «Дала неъматлари — эл дастурхонига». Республика соҳибкорларининг муаммолари ва юмушлари.
20.50 «Халқ созанда ва бастакорлари». Республикада хизмат кўрсатган артистлар О. Ҳотамов, Ҳ. Жўраев, Қ. Усмонов.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ахборот».
22.25 Реклама.
22.35 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
23.30 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Катта трамплин». Бадиий фильм («Беларусьфильм»).
20.45 Реклама.
20.55 РСФСР халқ артисти Л. Дуров билан интервью (рус.).

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.05 «Армон». Бадиий фильм, субтитр билан (рус.).

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Бор бўл, музика!».
9.50 «Боғбон». Бадиий фильм («Ленфильм»).
11.30 «Босқичлар».

* * *

16.00 «Асрлар қаъридан». Оржоникидзе шаҳридан кўрсатилади.
16.30 Болалар учун фильм. «Ура! Бизда таътиллар» (М. Горький номли киностудия).
17.40 «Автопортрет. Рудольф Хачатрян». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Ереван).
18.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.55 «Малика ва Пума». Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Сенсация». Фильм-концерт (Таллинн).
20.00 Катталар учун мультфильм.
20.15 «Позиция».
21.30 «Время».
22.05 Испан операси юлдузлари. М. Кабалье.
23.00 «Дунё воқеалари».
23.15 «Бизнинг мерос». «Рус санъати Англияда».

● МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика.
8.45 «Қанотларим билан парвоз қиляпман». Илмий-оммабоп фильм.
9.15 «Арфанинг майин оҳанглари ҳам». Фильм-концерт («Экран»).
10.00 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.30 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан кўрсатилади.
11.30 Янгиликлар.
11.40 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
12.10 «Тўрт танкчи ва ит». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия —«Биз турган жой чегара».
13.05 Мультфильмлар: «Қўзиқорин — уйча», «Мақтанчоқ қуёнча».
13.30 «Хавфли бурилиш». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
14.20 «Биргаликда ўқиймиз». Телевизион ҳужжатли фильм.
14.50 «Адҳам Ҳолиқов куйлайди». Фильм-концерт (Душанбе).

* * *

17.30 Янгиликлар.
17.40 «Хавфли бурилиш». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
18.50 Реклама.
18.55 Озарбайжон ССР Давлат телерадиоси. «Бир қадам олға ёки бир жойда туриб югуришми?».
20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.30 **СССР Олий Совети сессияси.**
21.30 «Время».
22.05 «Хавфли бурилиш». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
23.15 Велоспорт. СССР чемпионати.
23.45 Янгиликлар.

Жума 4

● ЎзТВ

15.00 «Инсон ва табиат». Кинопрограмма.
15.45 «Катта трамплин». Бадиий фильм.
17.00 «Шарқона анъаналар театри». Янги «Шарқ» театри ҳақида.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Тонгги қўшиқ». Мультфильм.
18.30 «Саноатда ижара пудрати». Олмалиқ сут заводи мисолида.
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Факел» (Воронеж). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
20.50 «Маорифимиз муаммолари».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ахборот».
22.25 «Мардлар қўриқлайди Ватанни». Музикали программа.
23.05 «Тўй айбланади». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия).
00.20 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Сакраш ҳуқуқи». Бадиий фильм («Мосфильм»).
21.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Пульс». Информацион кўрсатув (рус.).
21.15 «Момиқ камалак». Телефильм.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.05 «Рогун: муаммолар ва мулоҳазалар». Кўрсатувда Тожикистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Ю. П. Зацаринний иштирок этади.
22.45 «Суруди Меҳри». Республикада хизмат кўрсатган артист Меҳри Исҳоқбоева куйлайди.
23.35 «Ганна Самутина. Автопортрет». Телефильм.

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 Мультфильмлар: «Куппакундузги мўъжиза», «Қойил, Михаэла».
9.50 «Позиция».
11.05 «Инсон институти».
12.05 «Вадим Усмонов қўшиқлари». Қозондан кўрсатилади.

* * *

16.00 «Подолянка». Фильм-концерт премьераси (Киев).
16.30 «Шрапнелдан ўз одамларига қарата». Ҳужжатли фильм премьераси («ЛСДФ»).
16.55 Мультфильмлар: «Этик кийган мушук», «Сирли қутича».
17.25 «Қувноқ стартлар».
18.10 «Антониана» хори куйлайди. Болгариядан кўрсатилади.
18.30 «Фан: назария, тажриба, практика».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Жуна савоблларга жавоб беради».
20.00 «Кинопанорама».
21.30 «Время».
22.05 «Қўғирчоқ театри олами». 1-кўрсатув.
23.00 «Дунё воқеалари».
23.15 «Парнас сари бир босқич». Халқаро телевизион фестивали. 2-тур.

● МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика.
8.45 «Зое кетган миллионлар ҳақида иш». Илмий-оммабоп фильм.
9.05 Қалбга яқин қўшиқлар.
9.50 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.20 «Темирйўлчилар клуби ва уларнинг дам олиши». Ҳужжатли фильм премьераси («ЛНФ»).
10.40 Мультфильмлар: «Қизча ва дельфин», «Миёв деган ким».
11.00 Ритмик гимнастика.
11.30 Янгиликлар.
11.40 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
12.10 «Тўрт танкчи ва ит». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия — «Кучукнинг тирноғи».
13.05 Мультфильмлар: «Олтин бузоқча», «Бэленел, Мяунел ва чўққа боласи», «Денгиз саргузашти».
13.30 «Хавфли бурилиш». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.

* * *

17.30 Янгиликлар.
17.40 А. П. Чеховнинг экранлаштирилган асарлари. «Болохонали уй» (Ялта киностудияси).
19.00 «СССР Олий Совети комиссиялари ва комитетларида». СССР Олий Совети комиссиялари аъзолари билан миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар ҳақида суҳбат.
19.30 Халқ куйлари.
19.45 Ритмик гимнастика.
20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.30 **СССР Олий Совети сессияси.**
21.30 «Время».
22.05 А. П. Чеховнинг экранлаштирилган асарлари. «Болохонали уй». Бадиий фильм.
23.25 Футбол. СССР чемпионати. «Черноморец» — «Спартак». Одессадан кўрсатилади.
01.05 Янгиликлар.
01.15 Велоспорт. СССР чемпионати.

Шанба, 5

● ЎзТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа.

*

10.00 «Шанба экрани». Кинопрограмма.
10.40 Б. Васильев. «Уруш арафасида». М. Уйғур номли Сурхондарё область драма театрининг спектакли.
11.55 «Рассом ва китоб». Безовчи-рассом О. Ҳолиқов ижоди ҳақида (рус.).
12.30 «Барҳаёт наволар». Муллатўйчи Тошмуҳамедов.
14.10 «Ҳужжатли экран». Кинокўрсатув.
15.10 «Бош масала». Тошкент шаҳар Киров район халқ таълими бўлими муассасаларининг иши ҳақида телеочерк (рус.).

* * *

17.50 Кўрсатувлар программаси.
17.55 Болалар учун фильм. «Диққат, шаҳарда сеҳргар!»
18.45 Ўсмирлар учун. «Ровесник» (рус.).
19.30 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
20.00 «Ахборот» (рус.).
20.20 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.
20.40 Лирик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ахборот».
22.25 «Оила сирлари». Бадиий фильм («Тожикфильм»).
23.55 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

17.50 Кўрсатувлар программаси.
17.55 «Зангула». Мактаб ўқувчилари учун программа.
18.30 «Хазиналар ороли». Мультфильм.
19.20 «Саломатлик». Тележурнал.
20.00 Информацион программа (тожик ва рус тилларида).
20.30 Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 В. Шукшин. «Ваганов». Телевизион новелла премьераси.
22.55 «Бизнинг асосий мулкимиз». Телефильм.
23.15 «Қўлга олиш». Бадиий фильм.

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Уй академияси».
9.35 «Йил фасллари». Август.
10.35 Мультфильмлар: «Баранкин, одам бўл!», «Похол бузоқча», «Чорбоғдаги воқеа», «Пишган бўғдойзор оралаб», «Динозаврлар тоғи».
11.20 Удмуртия АССР Давлат «Италмас» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
12.10 Социализм мамлакатларида.
12.40 «Мўъжизасиз мўъжизалар».
13.45 «Дунё воқеалари».
14.00 Шанба — ота-оналар куни.
15.30 Болалар учун фильм. «Тирмизакнинг иши» (Рига киностудияси).
16.40 «Икки заранг дарахти». Мультфильм.
17.15 «Юлдузлар овози» вокал группасининг концерти (Канада). Ригадан кўрсатилади.
18.10 «Дардингни олай». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран»).
18.50 «Планета». Халқаро программа.
19.50 Василий Шукшин фильмлари ва роллари. «Галати одамлар» (М. Горький номли киностудия).
21.30 «Время».
22.05 «Қўғирчоқ театри олами». 2-кўрсатув.
22.55 «Мозик Саммит» «Музикали ринг»да. Хиросима ва Нагасакига атом бомбаси ташланганлигининг йиллигига бағишланган халқаро акция.

● МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика.
8.45 «Қишлоқ янгиликлари».
9.45 Ҳаракат хавфсизлиги учун.
9.50 Футбол. СССР чемпионати. «Черноморец» — «Спартак». Одессадан кўрсатилади.
11.30 «НТМ». Информацион кўрсатув.
11.45 «Нега қалдирғочнинг думи айри». Мультфильм.
11.55 «Александру Лэпушняну» фильм-операсининг премьераси. Г. Мусти музикаси («Телефильм-Кишнэу»).
13.30 Реклама.
13.35 Янгиликлар.
13.45 «Пилигрим» капитани». Бадиий фильм, субтитр билан (А. Довженко номли киностудия).
15.15 Эстония ССР Давлат телерадиоси. Ёш раҳбарлар клуби (Таллинн).
15.45 Мамлакат театрлари намойиш этади. Ака-ука Далецкийлар, М. Чарот. «Жанжаллашиш учун уйланмайдилар». Я. Купала номли Белорус Давлат академик театрининг фильм-спектакли.
17.35 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.20 «Кемадаги балерина». Мультфильм.
18.35 «Маршал Конев ҳақида қисса». Ҳужжатли фильм.
20.15 Тунингиз хайрли бўлсин кичкинтойлар!
20.30 **СССР Олий Совети сессияси.**
21.30 «Время».
22.05 «Цирк гумбази остида». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар («Экран»). Премьера.
00.20 Янгиликлар.
00.30 Велоспорт. СССР чемпионати.

Якшанба, 6

● Ўз ТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа.

*

10.00 «Оила даврасида». Кинопрограмма.
10.35 «Биргаликда куйлаймиз». З. Обидов, А. Муҳамедов. «Шоҳи сўзана» (такрор.).
11.00 Темирйўлчилар кунига. «Дўстлик йўллари». Ўрта Осиё темир йўлининг тарихи ва бугунги куни ҳақида (рус.).
12.00 «Шахмат мактаби».
12.30 Театр—болаларга. «Икки ялмоғиз». А. С. Пушкин номли Ашхобод рус драма театрининг спектакли (рус.).
13.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Муносабат». «Ўзбекистон маликаси» конкурсининг якунлари ҳақида (такрор.).
15.10 «Шифобахш масканлар». Республика колхозларараро соғломлаштириш бирлашмаси ҳақида ҳикоя.
16.05 Реклама.

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 «Бўрсиқ учун уй», «Эҳ, малика». Мультфильмлар.
18.20 Болалар учун концерт.
19.10 В. Шукшин. «Воқеа», «Синов». Телевизион новеллалар театри.
20.00 «Ахборот» (рус.).
20.20 «Дадам, онам ва биз». Телефильм.
20.35 «Мусиқа ва ғазал оқшоми».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ахборот».
22.25 «Малласоч аёл». Бадиий фильм («Ленфильм»).
23.45 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 Болалар учун фильм. «Васюковолик тореодорлар».
18.30 Дам олиш соати.
19.00 «Новости».
19.15 «Чашма». Республика халқ ҳофизи Ҳусайн Насриддинов.
20.00 Шу ҳафтанинг воқеалари.
20.15 Телетомошабин ҳамроҳи.
20.30 «Армуғон».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чукотка бошлиғи». Бадиий фильм (рус.).

● МТ I

8.45 Ритмик гимнастика.
9.20 «Спортлото» тиражи.
9.30 «Эрта саҳарлаб». «Ажойиб кунлардан бирида».
10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
11.30 «Тонгги почта». Музикали кўрсатув.
12.00 «Дунё бўйлаб». Альманах.
13.00 «Ер чеккасида». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран»).
13.50 «Шеърият лаҳзалари».
14.00 «Музикали киоск».
14.30 Киноафиша.
15.30 Р. Шчедрин. «Кучук етаклаган аёл» балетига ёзилган музика. Москва Давлат филармониясининг академик симфоник оркестри ижро этади. Дирижёр — СССР халқ артисти Д. Кахидзе.
16.00 «Очиқ эшиклар куни». Москва — Хельсинки телекўприги.
17.00 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Индонезиянинг сержилва қиёфаси».
17.30 «Қишлоқ янгиликлари».
18.30 «Халқаро панорама».
19.15 «Каккунинг сири». Мультфильм.
19.25 1989 йил қўшиқлари.
19.40 «Бахт ўлкаси ёки Мовий қуш билан юзма-юз». Бадиий фильм (Япония).
21.30 «Время».
22.05 «Салом, доктор!».
22.20 «Қўғирчоқ театри олами». 3-кўрсатув.
23.05 Россиянинг эркаклар хорлари ва ансамблларида куйлайди. Челябинскдан кўрсатилади.

● МТ II

8.30 Зарядкага сафланинг!
8.50 «Болохонали уй». Бадиий фильм.
10.10 Темирйўлчилар куни га. «Дистанция. Белоруссия тажрибаси амалда». Ҳужжатли фильм премьераси («Беларусьфильм»).
11.00 «Акс садо: ҳафтанинг воқеалари».
11.15 «Агар сиз...».
12.00 «Она-замин ташвишида» туркумидан ҳужжатли фильмлар премьераси: «Ми-кро-фон» (Украина хроникал-ҳужжатли фильмлар студияси), «Ярим ошкоралик зонаси» (Ғарбий Сибирь кинохроника студияси).
12.50 Телевизион музикали абонемент. «Г. Рождественский — музикачи-маърифатпарвар». Д. Шостакович. 4-симфония.
14.00 СССР ИИМ хабар қилади.
14.10 Спорт ҳамма учун.
14.25 «Бармоқ биродарлар қандай қилиб аразлашишди?». Мультфильм («Ўзбекфильм»).
14.35 Иттифоқдош республикалар кинопублицистикаси. «Болтиқбўйи, Қайта қуришнинг учинчи йили». Латвия телевидениеси программаси.
17.05 Киносерпантин. 1-дубль.
19.00 Енгил атлетика. Европа кубоги. Англиядан кўрсатилади. Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
21.30 «Время».
22.05 «Салом, доктор!».
22.20 Киносерпантин. 2-дубль. «Тўхтовсиз уч кун». Телевизион бадиий фильм (ГФР).
23.20 Янгиликлар.
23.30 Киносерпантин. 3-дубль.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона—32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши—32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги —32-54-19; ижтимоий масала — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32-54.15; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Якшанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.

Р. — 09835. Б. 2147. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10